

Шароф Бошбеков

ЭШИК
ҚОҚҚАН
КИМ
БҮЛДИ
?



ТАҚДИР ЭШИГИ

Жиддий комедия

БИРИНЧИ ҚИСМ

Шаҳардаги кўп қаватли уйлардан бири. Тўртинчи қават. Хона замонавий жиҳозланган: стол, стуллар, диван, телевизор, шифоньер, деворда турли буюларнинг чизмалари. Тўғрида кўча эшик, ўнг томонда ошхонага кириладиган, чап ёқда балконга чиқиладиган эшик.

Хона ўртасидаги архитекторларнинг чизув столи ёнида аёл турибди. Чизманинг қаеринидир ўчиради, қайтадан чизади, яна ўчириб, яна чизади. Иши юришмаётгани кўриниб турибди. Шу пайт қаердандир бас-трубанинг йўғон, бўғиқ овози эшитилади. Аёл бирпас асабий ҳолатда қулоқ солиб туради, сўнг бориб деворни муштлайди. Овоз тинади. Аёл чизув столининг ёнига келиши билан овоз яна эшитилади. У бориб деворни қаттиқроқ уради. Овоз ўчади. Мекки, аёл ишга киришини билан тағни эшитилди. Аёл деворни жон-жаҳди билан муштлайди. У пиҳоятда асабийланган, ишга ҳам қўли бормади қолади. Ниҳоят овоз тўхтаб, анча вақт эшитилмай туради.

Кўп ўтмай кўзойнакли, бас-трубасини кўтариб олган эркак киши кириб келади.

Эркак. Салом, яхшимисиз...

Аёл (*асабий*). Ваалайкум ассалом! Келдинг!

Эркак. Келдик... Кечирасиз, деворни сиз тақиллатдингизми?

Аёл (*тичине қилиб*). Эшитилдими?

Эркак. Ҳа. Эртага концертимиз бор эди, шунга бир оз машқ қилётувдим.

Аёл. Шунақа денг? Эрта-индин манави лойиҳани топширишим керак эди, шунга мен ҳам бир оз ишлаётувдим. Мабодо қаламимнинг қитирлагани сизга халақит бермаяптимики, деб сўрамоқчи эдим.

Эркак. Йўқ, халақит бермаяпти...

Аёл. Менга қаранг, уйингиздан ғалати-ғалати овозлар эшитиляпти, тўртинчи қаватга айиқни қанақа қилиб олиб чиқдингиз?

Эркак. Қизиқмисиз, бизникида айиқ нима қилади?

Б 4702620203—68
М 352 (04)—89 17—89
ISBN 5—635—00273—0

© Гафур Ғулом номидаги Ада-
бёт ва санъат нашриёти, 1989 й.

Ҷа, айтгандай, анувнақа фил бор... Сиз ҳам қизиқасизми?..

А ё л (*гапни бўлиб*). Мен ёнимиздаги хонадонда ҳам одамлар яшайди, деб юрардим!

Э р к а к. У нима деганингиз? Мен сувепир филни гапиряпман. Гапнинг «бердисе»ни эшитмай, ўзингиздан ўзингиз...

А ё л. Сувепир филнинг бунақа шовқин кўтаришини биринчи марта эшитишим!

Э р к а к. Айтяпман-ку, эртага концертим бор, деб?

А ё л. Мен ҳам лойиҳани топширишим керак!

Э р к а к. Топширинг, мен нима қилай?

А ё л (*ўзини босишга ҳаракат қилиб*). Сиз халақит беряпсиз.

Э р к а к. Мен ишлаяпман.

А ё л. Тўғрироғи, шовқин қияпсиз.

Э р к а к. Ишлаяпман.

А ё л. Шовқин қияпсиз!

Э р к а к. Ишлаяпман-е!.. (*Трубасини чалиб қўяди.*)

Мана.

А ё л. Карнайчимисиз?

Э р к а к. Трубачи.

А ё л. Ҳа-а, тозалайдиган, денг.

Э р к а к. Чаладиган, кўрмаяпсизми?

А ё л. Ҳа, кечирасиз, чаладиган экан... (*Шиппагини ечиб, туфли кияди.*)

Э р к а к. Бирон ёққа бормоқчимисиз?

А ё л. Ҳа. Олатоққа.

Э р к а к. Ҳа-а... Қайёққа?

А ё л. Олатоққа!

Э р к а к. Олатоғ... Олатоғ... Қирғизистондами? Унда

«Олатов» бўлиши керак.

А ё л. Йўқ, у эмас. Узоқ, бу ордан кўринмайди.

Э р к а к (*атрофга қараб*). Уйингиз шинам экан. (*Девордаги суратларни томоша қила бошлайди.*)

А ё л (*унинг бемалол юришидан баттар жаҳли чиқиб*). Қизиқ эканми?

Э р к а к. Умуман, ёмон эмас. Мен мутахассис эмасман-у, лекин ҳаммаси бир хилдай туюляпти. Менимча, ранг-баранглик етишмайди. Қаранг, ҳаммаси бир-бирига ўхшайди. Ҳозир, ҳаммаёқда қайта қуриш кетаётган бир вақтда... нима деса бўлади, сизлар ҳам ишингларни қайта кўриб чиқсанглар бўларкан.

А ё л. Мана сиз, қайта қуришдан олдин трубангизни

бошқача нуфлардингиз-у, энди бошқача нуфлаб қолдингизми?

Э р к а к. Йўқ, масалага бунақа тор қарамаслик керак... Гап масъулият ҳақида кетяпти... Одамнинг касби-га, қилаётган ишига муносабати, дегандай...

А ё л. Хуллас, деворни нима учун тақиллатганим тушунарли бўлса керак, а? Энди чиқинг, уйингиздагилар сизсиз зерикиб ўтиришгандир!

Э р к а к. Ёлғиз яшаяпман, деб айтдим шекилли?

А ё л. Нима, хотиниңиз ташлаб кетганми?

Э р к а к. Нега ташлаб кетар экан, ўзим қўйвордим.

А ё л. Кечирасиз, бошингизга тушган мусибатдан бе-хабар эканман!

Э р к а к. Мусибат? Ие, чинкакам мусибатнинг нималигини билмас экансиз бўлмасам. Мусибатмин! Бошига мусибат тушган одам шунақа бахтли бўладими?

А ё л. Сиз бахтлимисиз?

Э р к а к. Нима, кўрмаяпсизми?

А ё л. Йўқ, унча сезилмаяпти!

Э р к а к. Ҳозир бу яқин-атрофда мепдан бахтлироқ одам тополмайсиз! Шунақа бахтлиманки — парён йўқ! Уйда тиңчан, ишим яхши, бироқ жойга бораман десам — бораман, бормайман десам — бормайман. Э-э, қанақа кунларга қолувдим-а, эсласам эсим тескари бўлиб кетади. Шу, манавини чалиб, машқ қилишгаям руҳсат йўқ эди-да! У ёқда дирижёр сўкарди...

А ё л. Анча бўлдими?

Э р к а к. Дирижёрнинг сўккашганими?

А ё л. Шунақа... бахтиёр бўлиб қолганингизга?

Э р к а к. Деворнинг орқасидан манавининг овозини эшита бошлаганингизга қанча бўлса — шунча.

А ё л. Хотиниңизнинг қайтиб келишини қапчалик хоҳлашимни билсангиз эди!

Э р к а к. Э, қип-қизил душман экансиз-ку! Нима дегганингизни билишсизми?

А ё л. Биляпман! Ҳар қалай, аравиниңизнинг овози ўчарди!

Э р к а к (*стулга ўтириб*). Ҳм, тавба!.. Ана энди икки дунёдаям ўчмайди! Сиз ҳар кун, ҳар кун трубаннинг овозини эшитиб турасиз!

А ё л. Менга қаранг, сиз нега бу ерда яшайиб ўтириб олдингиз?

Э р к а к (*туриб*). Кечирасиз... Қаердадир ўқигандим, ўтиргандан тик туриш фойдали экан...

А ё л. Яхшиси, уйингизга чиқинг-да, хоҳлаган жо-

ингизда утириш, хоҳлаган жонингизда тураверинг! Хуш келибсиз!

Э р к а к. Шунн одамга ўхшаб айтсангиз бўлмайдими? Ё сиздан қарзим борми? Дўқ қиласиз, пичинг қиласиз! Сал ўйлаб гапириш қорак. Мени сиз чақирдингиз деворни тақиллатиб, ўз ҳолимча келганим йўқ!

А ё л. Сизни чақириб жинни бўлмагани! Анавинингизнинг овозини ўчиринг, деб тақиллатдим! Нима, трубангизнинг «гит-гит»ини эшитиндан бошқа одамларнинг қилдиган иши йўқми? Бундоқ фикр қилиб бўлмаса, ишлаб бўлмаса! Манави лойиҳани тугатишим керак, деяпман. Одамлар кутишяпти, биз уларга бошпана берамиз, тушунаксизми, бошпана! Сизнинг «гит-гит»ингиз иккинчи даражали нарса эканлигига ақлингиз етдимми ўзи, йўқми?!

Э р к а к. Э-ҳа, бу ерда муҳим иш қилаётган муҳим одамлар япайди, демайсизми. Билмабмиз, узр. Бизга ўхшаган иккинчи сорт одамларнинг ақли ҳамма нарсагаям етавермайди-да! Узр, узр.

А ё л. Бўпти, бўпти, боришг!

Э р к а к. Ворамиз. Яхши қолинг. *(Нега бошлайди.)* Ҳа, айтиб қўяй, манави деворнинг нариги томонидаям одам бор. Уям фикр қилиши, ишлаши керак. Мушукка ўхшаб деворни қитирлатиб, унинг гашига тегиш — одобдан эмас!

А ё л. Ҳали ганингиз кўнми?

Э р к а к. Гапим кўн!

А ё л. Бўлмаса сиз гапириб туринг, мен нонга чиқиб келишим керак эди.

Э р к а к. Нима, мен радиомани, ҳеч ким бўлмасаям гапираверадиган? Бўпти, кетдим... *(Чиқиб кетмоқчи эди, эшик негадир очилмайди. Яна итариб кўради — бефойда. Қайтиб келиб.)* Мени бу ерда ушлаб туришнинг бошқачароқ йўлини тополмабсиз-да! Ҳа, ибтидоий усул-ку!

А ё л. Тушунмадим?

Э р к а к. Нимасига тушунмайсиз! Қани, қалитни чўзиб қўйинг-чи!

А ё л. Қанақа қалит?

Э р к а к. Фойдаси йўқ. Мен сиз ўйлаган одам эмасман, бошқасини қидириб кўринг. Унақаси Парижда бўлади, хопим!

А ё л. Ҳозироқ туёғингизни тақиллатмасангиз, милиция чақираман!

Э р к а к. Ие, ҳали бунақа ҳунаримиз ҳам бор, денг? Бекорга овора бўляпсиз! Аёл киши сифатида мепда зи-

ғирчаям қизиқиш уйғотолганингиз йўқ! Сиздан минг чандон гўзал аёллар ҳам икки оғиз суҳбатимга муштоқ. Концертдан кейин ўраб олишади. Гуллар, афтографлар! Лекин, мен биттасигаям парво қилмайман, биддингизми! Нега десангиз, ҳали жонимдан тўйганим йўқ! Яшагим бор! Ҳали-ку, сиз экансиз!..

А ё л. Ё мастсиз, ё жиннисиз!

Э р к а к. Ундай бўлса, бунақа бемаза одамни нега уйингизга қамаб олдингиз?

А ё л. *(қўлига қалин чизув линейкасини олиб).* Қани, ҳозироқ кўзимдан йўқолинг!

Э р к а к. Ташланг таёғингизни!.. Ташланг, деяпман! *(Орқага чекинади.)*

А ё л. *(бостириб бораверади).* Афту ангорингизни шундай пақшлайманки, анави трубангизни қанақа қилиб чалишнйам билмай қоласиз!

Э р к а к. Э, олинг таёғингизни-ё! Индамаса, жа!.. Айтиб қўяй, жаҳлим ёмон! Агар тутиб қолса борми, ўша таёқ ушлаган қўлларингизни спираль қилиб ташлайман! Кейин сиз ҳам анавинингизни чизишга ярамай қоласиз! Э, сиздақа Ҳожимуқондан ўргилдим!

А ё л. Шупақами? Жуда яхши. *(Телефонда номер тера бошлайди.)*

Э р к а к. *(телефонни босиб қўйиб).* Мепдан нима ис-тайсиз ўзи?

А ё л. Қорапгизни ўчиринг!

Э р к а к. Қалит.

А ё л. Тушунарли. *(Яна номер тера бошлайди.)*

Э р к а к. Қалит, деяпман! Нима, тилимга тушунма-япсизми?

А ё л. Ҳа, тилингизга тушунмаяпман. Шунинг учун таржимон чақирмоқчиман. Милициядан.

Э р к а к. Ахир, пашша эмасман-ку, деразадан учиб чиқиб кетадиган!

А ё л. Нега деразадан чиқасиз, ана, эшик бор. Қандай кирган бўлсангиз, шундай чиқиб кетасиз.

Э р к а к. Э, эшик ёпиқ, деяпман-ку, инсон!

А ё л. Ёпиқ бўлса сиз қаердан кирдингиз? Ё чиндан ҳам пашшамисиз?

Э р к а к. Бўпти, келинг, яхшиликча гаплашайлик. Бақир-чақирсиз, жаҳл қилмай, а? Сиз ҳозир қалитни берасиз, меп чиқиб кетаман, қайтиб бу ерга қадамимнйам босмайман! Хўш?

А ё л. *(қўлида линейкани ўйнаб).* Бўпти. Агар эшик

очиқ бўлса, мапанв линойка билан бошингизга битта тушираман. Сиз индамай турасиз.

Э р к а к. Яхши. Агар ёпиқ бўлса, сиз мапанв стулда ўтирасиз, мен эртага бўладиган концертимдан ўзимнинг партиямни чалиб бераман. Ҳар-ҳар жойида ўн-ўн беш минутлик паузалари ҳам бор. Чидасиз.

А ё л. Ундай фалокат рўй бермас. Қани, юринг-чи. (Эшикни очмоқчи бўлади, очолмайди. Яна уринади.)

Э р к а к. Худо қувват берсин!

Аёл жон-жаҳди билан уринади.

Сим-сим, эшигингни оч! (Яқинроқ бориб.) Мана рўмолча, терингизни артиб олинг.

А ё л. Унга бурнингизни артинг!

Э р к а к. Қарашиб юборайми?

А ё л. Нарироқ тулинг, худо хайрингизни берсин! Уфф... Ҳар сафар очишга қийналганимда, тузатиш керак, дейман-у, кейин эсимдан чиқиб кетаверади...

Э р к а к (қулфга синчиклаб қараб). Капиталистларники.

А ё л. Нима?

Э р к а к. Инглизча қулф экан, дейман. Бунақа қулф жа ипжиқ бўлади... эгасига ўхшаб!

А ё л (ўқрайиб). Бирпас жим турининг иложки борми?

Э р к а к. Бор-да. (Бир оз томоша қилиб туриб.) Манавида «Чаққон қиз»ни чалиб турайми? Фойдаси бор.

А ё л. Эй, худойим-ой!... (Хўрлиги келиб, диванга ўтиради.)

Э р к а к. Сизларни ўзи бекорга «заифа» дейишмаган. На иссиққа чидасизлар, на совуққа. Масалан, бунақа ишларни...

А ё л. ...эркакларга чиқарган, шундайми?

Э р к а к. Ҳа энди...

А ё л. Бўлмаса нега симёғочга ўхшаб гўдайиб турибсиз?

Э р к а к. Қарашай десам, яқин йўлатмаянсиз-ку. Худди хазинани қўриқлабтган кўзойнакли илонга ўхшаб!

А ё л. Учиринг овозингизни! Безбет!..

Э р к а к. Ҳа, қалай бўлар экан? Бир симёғочга ўхшатасиз, бир пашшага тонг қиласиз. Ана шунақа бўлади! Бўпти, калитни беринг-чи.

А ё л. Калит билан фақат париги томондан очилади, ичкаридан аनावисини бураб, очиб-ёпилади.

Э р к а к. Йўқ, сиз калитни беринг.

А ё л. Мунча тўтиқундай «калит-калит», дейсиз! Айт-япман-ку, ичкаридан калит билан очилмайди, деб!

Э р к а к. У ёғини суриштириб нима қиласиз, калитни берсангиз-чи!

А ё л. Уфф!.. (Калитни олиб, столга ташлайди.) Мана!

Э р к а к. Ҳозир тўғрилаймиз. Ҳар қалай, эркак киши — эркак киши-да! (Балконга чиқиб кетади.) Хў, оғайни! Бир минутга мумкилми? Ҳа, сиз, сиз... Кечирасиз-да, озгина вақтингизни оламан... Шу, денг, эшигимиз очилмай қолса бўладими...

А ё л. «Эшигимиз»миш!

Э р к а к. Нариги томондан бир уришиб кўрмайсизми? Очилмаяпти-да, қулфи касал... (аёл томонга) эгасиям! (Ташқарига.) Тўртинчи қават, қирқинчи хона...

А ё л. Қирқ биринчи!

Э р к а к (ташқарига). Қирқ биринчи, деганим. Шунақа қилинг, оғайни, жа эзилиб кетдик. Мана калит. Ушланг!.. И!..

Жимлик. Бир оздан кейин эркак шалвираганича кириб келади.

А ё л. Ҳа?

Э р к а к. Ҳалиги... калит сувга тушиб кетди...

А ё л. Ҳар қалай, эркак киши — эркак киши-да!

Э р к а к. Бўпти, бўпти! Сиз шуням қилолмасдингиз... Бир йўлини топинимиз керак энди. Эрталабгача ўтиролмайман-ку ҳусни жамолингизга тикили-иб!

А ё л. Э, менинг ҳам кўзим учиб тургани йўқ, тонг отгунча музикангизни тинглаб ўтиргани!

Э р к а к. Жа яхши-да!

Сукут.

А ё л. Шунақа ўтираверамизми?

Э р к а к. Ўтиргингиз келмаса тулинг, у ёқдан-бу ёққа юринг. Мен, масалан, у ёқдан-бу ёққа юрсам яхши фикр қиламан.

А ё л. Маслаҳатингизни пишириб оинг!

Э р к а к. Хўп.

А ё л (асабийлашиб, беихтиёр у ёқдан-бу ёққа юра бошлайди). Слесарь чақиринг корак. (Телефонда номер тиради.)

Э р к а к. Ана, айтмадимми, юрсангиз яхши фикр қиласиз, деб! Қарапг, икковимизнинг ҳам одатимиз бир хил экан. Биласизми, баъзан шунақа бўладики...

А ё л. Бирпас сайрамай тулинг!
Э р к а к (бир оз кўтиб). У ёқда нима доб сайрашяпти... э, нима маслаҳат беришяпти? Эшикни бузинглар, дейишмаяптими ишқилиб?

А ё л. Ҳа, шу етмай турувди! Ярим кечаси тақир-туқир қилиб, қўшнилари ни уйғотиб!

Э р к а к. Соат ҳам анча бўп қолгандир... Ҳозир ЖЭЎнинг подвалидаги каламушлар ҳам ухлаб ётибди.

А ё л (ҳеч ким жавоб бермади шекилли, хўрсиниб трубкани қўяди, бирдан бас-трубага кўзи тушиб, тутақиб кетади). Илтимос, анавинингизни кўринмайдиганроқ жойга қўйинг, кўрсам асабим қўзияпти!

Э р к а к (трубасини бошқа жойга олиб қўйиб). Битта яхши невропатолог отайшим бор, бир ўзингизни кўрсатмайсиэнми?

А ё л. Мопинг ҳам бир яхши психиатр дугонам бор!

Э р к а к. Дугонангиз дўст эмас экан. Даволамай, ўз ҳолингизга ташлаб қўйибди...

А ё л (ўзига-ўзи гапиргандай). Ут ўчирувчиларни чақирсаммикан?

Э р к а к. Кўрдингизми, ўтириб ўйлаганда яхши фикр келмайди. Хўш, улар келиб нима каромат кўрсатишади? Қимни... э, нимани ўчиришади? Ошхонада қайнаб турган човгумпими?

А ё л. Нарвонини балконга қўяди, сиз тушиб кетасиз.

Э р к а к. Илтимос, у ёқдап-бу ёққа юриб ўйланг, фикрларингиз борган сари суюқлашиб кетинти!

А ё л. Нима қилай, сиздан қуюқроқ фикр чиқмасан!

Э р к а к. Биринчидан, ўт ўчирувчиларни бесабаб чақирганингиз учун жарима тўлайсиз.

А ё л. Бор бисотимни сотиб тўлашга розиман, фақат сиз даф бўлсангиз бўлди!

Э р к а к. Иккинчидан, балкониингиздан бегона эркакнинг тушиб кетаётганини кўрган қўшнилариингиз сиз ҳақингизда нима деб ўйлашади? Тағин, кечаси! Тумонат одам йиғилади! Проекторлар ёқилган, тақир-туқир нарвонлар кўтарилган, сиреналар чинқирган, бақир-чақир! Қарабсизми, эртаси кун «маҳаллада дув-дув гап!» «Ҳай, Хуринисо, эшитдингизми, ўрғилай, кеча ярим кечаси апа-ви архитектор аёлининг уйига битта эркак кириб қопти. Нима қилишганини билолмадим-у, локигин ўт ўчирувчилар келиб, ўша эркакни архитекторнинг балконида сугуриб олишди». Кейин Хуринисо хола ҳам жўр бўлади-лар: «Во-ой, одамни билиб бўлмас экан-да, Мастон. Кўри-нишидан ҳеч ҳам унақа деб ўйламайсан, бирам сипо,

бирам одобли. Ичгинасидан пишган экан-да жувон ўлгур!»

А ё л. Бас қилинг!

Э р к а к. Мен-ку, бас қиламан-а, лекин Хуринисо, Мастон деган холаларимиз қўймайди-да.

А ё л. Ўзингиз ҳам ўшалардан қолишмас экансиз! Ҳозирги гапларингизни қаранг! Менинг хаёлимга ҳам бунақа нарсалар келгани йўқ. Минғир-минғир, шивир-шивир масаласида эркаклар ҳам хотинлардан қолишмай-диган бўп қопти!

Э р к а к. Воқеага реал қараш керак. Мен гапираман-ми, гапирмайманми — шу нарса бўлади.

А ё л. Э, бўлса бўлиб ўлмайди-ми!

Э р к а к (чизма столига шора қилиб). Илтимос, сиз ҳам манавинингизни кўринмайдиганроқ жойга қўйинг, кўрсам менинг ҳам асабим қўзияпти!

А ё л. Вой, нега бошқа жойга қўяр эканман?! Бу менинг уйим, қаерни хоҳласам, ўша ерда туради! Тушунарлими? Тавба!..

Э р к а к. Гап йўғида — гап-да...

А ё л. Гап йўқми, алжирамасдан жим ўтиринг!

Э р к а к. Шу, бир нарсани ўйлаб-ўйлаб, ҳе-еч ўйимга етолмаяпман-да. Бир цистерна заҳар шу кичкинагина жуссангизга қандай жо бўлди экан?

А ё л. Ажаб бўпти!

Э р к а к. Келинг, яхшиси, бирон нарсадан гаплашиб ўтирайлик.

А ё л (ничинг қилиб). Ҳа, шунақа қилайлик!

Э р к а к. Олимларнинг айтишига қараганда, шовқиндан кўра жимлик одамнинг асабларига кўпроқ зарар етказар экан. Шунинг учун гаплашиб ўтирганимиз маъқул-да.

А ё л. Сиз билан ниманиям гаплашардик.

Э р к а к. Гапираман десангиз гап кўп. Истасангиз, сиёсатдан гаплашамиз, истасангиз экология ҳақида. Ма-на, масала, ҳозир Орол денгизининг суви қуриб турибди...

А ё л. Э, ҳозир менинг шўрим қуриб турибди!

Э р к а к. Эрталабгача жим ўтириб бўлмайди-ку, ахир! «Пақ» этиб ёрилиб кетсам нима бўлади?

А ё л. Унда уйингида нима қиласиз, ёлғиз яшайсиз-ку?

Э р к а к. Ўзим билан ўзим гаплашиб ўтираман. Нега десангиз, ақлли одам билан гаплашсанг маза қиласан киши.

А ёл. Яхши, ўзингиз билан гаплашаверинг. Мен билан гаплашиб барака топмайсиз.

Э р к а к. Йўқ, ҳеч ким бўлмаса ўзим билан гаплашаман-да. Ҳозир сиз борсиз-ку.

А ёл. Унда мен спаларга халақят бермай, чиқиб турман. *(Балконга чиқиб кетади.)*

Э р к а к. Ие... Қўйсангиз-чи, ёш болага ўхшаманг. *(Балконнинг эшигини тортиб кўради, нариги томондан бекилган бўлса керак, очилмайди.)* Э, очсангиз-чи, шамоллаб қоласиз! Ихтиёрингиз. Совқотсангиз ўзингиз кириб келасиз, Шимолий қутбдан келган экспедиция аъзосига ўхшаб. *(Бирпас хона бўйлаб у ёқдан-бу ёққа юради.)* Рўмолингиз билан пальтоингизни олиб берайми? А? *(Бирдан.)* Менга қаранг, бу эшигингиз ҳам анави эшикка ўхшаб очилмай қолса-я? Кейин сизни ўша суяниб турган деворингиздан пичоқ билан қириб оламанми?

А ёл. Нега очилмас экан?..

Аёл эшикни очиб кўрмоқчи бўлади. Эшик хибл очилиши билан эркак унинг қўлидан тортиб олади.

Э р к а к. Хуш келибсиз!

А ёл *(совуқдан қалтираб)*. Намунча кўполсиз!.. Қўлим чиқиб кетай деди...

Э р к а к. Кирмасангиз нима қилай? Одам ҳам шунақа ўжар бўладими? Елкангизга бирон нима ташлаб олинг. Ҳозир... *(Шифоньерни титкилай бошлайди.)*

А ёл. Э-э-э, нима қилиясиз?! *(Шифоньерни ёпиб.)* Ўйлаш керак мундоқ.

Э р к а к. Ҳа-я... *(Ноқулай вазиятдан чиқиш учун.)* Манави гулнинг номи нима? Қаранг, алоэга ўхшар экан... *(Ушлаб кўриб.)* Ие, мунча юмшоқ...

А ёл. Тегманг, тегманг, бузиб кўясиз! Пластиндан ясаганман.

Э р к а к. Шунақа денг... Ҳа... Яхши. Кўзмунчоқ илиб қўйсангиз бўлар экан, ёмон кўздан асрайди.

А ёл. Ҳа, ёмон қўлдан ҳам!

Э р к а к. Хўш... Тепадаги қаватда ким туради? Ҳа, бу охирги қават-а. Хўш, телевизорда нима бўлаётган экан? *(Телевизорни қўймоқчи бўлади.)*

А ёл. Ишламайди. Анави кунги шамолда антеннаси узилиб кетган.

Э р к а к. Бизнинг телевизоримиз ҳам шунақа. Антеннанинг ўрнига михми, қайчими тиқиб қўяман — кўрсатаверади. Ҳатто бармоғимни тиқсам ҳам кўрсатади.

А ёл. Бунга бошингизни тиқсангиз ҳам кўрсатмайди.

Э р к а к. Э-э, таг-туғи билан, денг? Лекин, эрингиз жудаям дангаса одам экан. Тузатиб қўймайдими бунақа нарсаларни!

А ёл. Тузатиб қўймайди, нима дейсиз?

Э р к а к. Нима, қўлига чипқон чиққанми?

А ёл. У йўқ...

Э р к а к. Кечирасиз, билмабман...

А ёл. Таъзия билдирмай қўя қолинг, у ўлгани йўқ, тирик!

Э р к а к. Ажралишганмисизлар?

А ёл. Бунинг сизга қизиғи йўқ.

Э р к а к *(столни чертиб)*. Қизиғи йўқ, қизиғи йўқ, қизиғи йўқ... Битта шаҳарда, битта бинода яшаймиз. Манави деворнинг нарёғида мен, буёғида сиз. Кўчиб келганимга икки йил бўлди. Икки йил. Бир-биримиз ҳақимизда ҳеч нима билмаймиз. Баъзан зинапоёда учрашиб қоламиз. Саломлашсак саломлашамиз, бўлмаса уям йўқ. *(Бир оздан сўнг.)* Биласизми, бизнинг қишлоғимиз шундоқ Зарафшоннинг қирғоғида. Онам, укаларим бор. У ерда бунақа эмас. Кимнинг уйида шодлик бўлсаям, қайғу бўлсаям ҳамма билади, бутун қишлоқ кўчиб келади. Бу ерда-чи? Олти ой уйингиздан чиқмасангиз ҳам, «Нега бу кўринмай қолди?» деб биров хабар олмайди. Мана сиз, «қизиғи йўқ», дейсиз. Сизга қизиғи йўқ, менга қизиғи йўқ, унга қизиғи йўқ — ҳеч кимга қизиқ эмас. Сийсат қизиқ эмас, Орол қизиқмас... Аслида қизиқ бўлиши керак-ку. Ҳаммага! Ҳамма нарса! «Дўстим» деган сўзни борган сари камроқ ишлатяпмиз. Чупки дўстларимиздан танишларимиз кўпроқ. Бунақа майда-чуйда нарсаларга вақтимиз йўқ. Уни қилиш керак, буни қилиш керак, унга улгуриш керак, буёғи қолиб кетди, у ёқни сув олиб кетди, буёқни ўт олиб кетди! Мундоқ қарабсанки, сен билан ёнма-ён қадам ташлаб келаётган одам йўқ! Қаёққа кетибди? Улибди... Кейин пешонамизни тириштириб ўйлаймиз: қанақа одам эди у, юзи қанақа эди, нимани яхши кўрарди, нимани ёқтирмасди? Эсда йўқ! Ана шунақа яшаймиз... *(Бир оздан сўнг.)* Ҳамма қаёққадир шошади. Нега шошасан, қаёққа шошасан, десанг, давр шунақа, дейди. Давр қанақа экан? Ён-веримиздагиларни топтаб кетаверадиганми? Қизиқ, ҳамкасбимизнинг бугун қанақа кийиниб келганига эътибор қиламиз. Бунга вақт бор! Туфлиси қанақа, кўйлаги қанақа — буни диққат билан ўрганамиз. Лекин, нега эрталаб ишга кўзлари

қуварно келди — ана буши билмаймиз. «Қизиги йўқ!»
Баъзида ўшанақа шошиб юрадиган одамнинг шундоқ
ёқасидан олиб, хў, инсон, нега шошасан, нега ҳовлиқа-
сан, тўхта, атрофинга бир қара, нега кечаси билан
қўшнингнинг бешиқдаги чақалоғи ухламай йиғлаб чиқа-
ди, нега анави эшиқдаги кампир кўчага чиқиб, эрта-
лабдан кечгача почтачини кутиб ўтиради, нега юзига
сепкил тошган сап-сарик болани боғчадан ота-онаси эмас,
«боғча опаси» олиб келади, нега пастки қаватдаги бе-
шинчи синф ўқувчисидан тамаки ҳиди келадиган бўп
қонти, қара, кўзингни каттароқ оч, дегим келади... Шу-
нақа...

Сукут.

А ё л. Нега энди бу гапларни менга гапиряпсиз?

Э р к а к. Қимга гапирай? Стулгами? Бошқа одам бўл-
маганидан кейин... Бўлмаса, менга бирор эрмак топиб
беринг, бунақада одам зерикиб ўладя-ку.

А ё л. Бу ер лунапарк эмас.

Э р к а к. У-бу нарса тўқийсизми?

А ё л. Йўқ.

Э р к а к. Мен тўқийман, гап шу ерда қолсая. (Эғни-
даги сөитерга ишора қилиб.) Манавиниям ўзим тўқиган-
ман. Ишонмаяпсизми? Тўқийдиган нарсалариничани бе-
ринг, ҳозир кўрсатаман.

А ё л. Мен чиндан ҳам тўқимаيمان.

Э р к а к. Бекор қиласиз. Асабларни шунақа гинчлан-
тирадики, қўяверасиз. Уйда тўқийман. Бир-икки марта
ишхонагаям олиб борувдим... Одамлар қизиқ, кулишади-
ей...

Аёл ҳам кулимсираб қўяди, буни эрмак пайқамайди.

Уйда ҳеч бекор ўтиролмайман, нимадир қилмасам бўл-
майди.

А ё л. Бекор ўтирмаслигингизни биламан, ҳар куни
эшитилади. (Лйёрлик билан.) Хўш, унда хамир-памир
ҳам қилиб кетаверсангиз керак, а? Уп-пуп олиб чиқайми?

Э р к а к (жаҳли чиқиб). Мабодо, эчки-печкингиз йўқ-
ми, соғиб берардим!

А ё л. Тўртинчи қаватга ҳар хил айиқ-пайиқларни
олиб чиқишга сиз устасиз!

Э р к а к. Айиқмас, фил!

А ё л. Нима фарқи бор? (Акса уради.) Ап-чшу!.

Э р к а к. Соғ бўлинг!

А ё л. Раҳмат.

Э р к а к. Суратларингиз солинган альбомингиз қаер-
да?

А ё л. Суратга тушишни ёқтирмайман.

Э р к а к. Э, нимани ёқтирасиз ўзи?

А ё л. Ёлғиз қолишни!

Э р к а к. Жон деб ёлғиз қолдирардим-у, иложи йўқ-
да! Эшигингиз ҳам ўзингизга ўхшаб...

А ё л. Нима, ўзингизга ўхшаб?

Э р к а к. Ужар-да...

А ё л. Ужармас, бир сўзли! Очилса очилади, очилмаса
очилмайди!

Э р к а к. Баттар бўлсин! Менинг қорним очди.

А ё л. Табриклайман.

Э р к а к. Раҳмат. Ошхона қаёқда?

А ё л (қалам билан столни чертиб). Ўзингизнинг
уйингизда эмассиз. Агар унутган бўлсангиз, эсингизга
сзқиб қўйқшим мумкин.

Э р к а к. Менинг-ку эсимда-я, лекин қоринда эс бор-
ми, қўшниникида эканлигини билмайди шўрлик. Хўш,
шундай қилиб, ошхона қаёқда бўлди? Буёқда. Гуд бай!
(Кета бошлайди.)

А ё л. Қаёққа? У ёқ ванна!..

Э р к а к. Ие, маъзур тутадилар... (Қайтиб, бошқа то-
мондаги эшикка йўналади. Ошхонанинг эшигини торта-
ди — очилмайди. Яна тортади. Қаттиқроқ силтаган эди,
эшикнинг дастаси суғурилиб чиқади.) Ие, қизиқ бўлди-
ку...

А ё л. Ҳар қалай, эрмак киши — эрмак киши-да! Шун-
гаям фаросатингиз етмадими, эшик нарёққа очилади!

Э р к а к (эшикни секингина итарган эди, очилади,
эшик дастасини йўнаб). Ҳозир тузатаман...

А ё л. Ўрмонда яшаётганимиз йўқ, одамлар бор!

Э р к а к. Ҳа-я... (Гуноҳкорларча келиб ўтиради.)

А ё л. Овқатланмадингиз?

Э р к а к. Тўйдим.

А ё л. Ош бўлсин.

Сукут.

Э р к а к (тўсатдан). Сиз менга бақирманг, билдин-
тизми?! Бунинг суғурилиб кетишига ким айбдор? Менми
ё сизми? Ким қурган бу уйларни? Сиз! Ёки сизга ўх-
шаган архитекторлар! Кўчада, ҳалиги, думалоқ папканг-
ларни қўлтиқлаб, кеккайиб юрасизлар, бурнингларга хо-

да етмайди! (*Эшик дастасини кўрсатиб.*) Қилган ишинглар шуми? Уйнинг аҳволини қаранглар! Уйми шуюм, уйми?! Одамнинг кулгиси келади. Йўқ, йиғлагиси келади! Деворни қаранглар — пиёзнинг пўсти! Қўшничикида пиёла синса эшитилади! Ваннада иложи борича шапиллатмасдан чўмиламиз — эшитилади! Эр-хотин мундоқ бир ёзилиб, бемалол... уришолмайдиам — эшитилади!

А ё л (*акса уради*). Ап-чшу!..

Э р к а к. Секин! Эшитилади... (*Ен томондаги деворни тақиллатиб.*) Қўшни, ҳў, қўшни!..

А ё л. Нима қилиясиз?.. Жинилик қилманг, қанақа одамсиз ўзи?!

Э р к а к (*парво қилмай*). Мени эшитаясизми, қўшни? Яхши тушлар кўринг. Э-э, ухламаясизми? Овқатланаясиз? Илтимос, овқатингизни чапиллатмасдан енг, бизга халақит бераясиз! Шунақа бўлсин. Мени қандай эшитаясиз? Приём! (*Аёлга.*) Эшитилади! Архитектор! «Бизнинг ишимиз муҳим!» «Сизнинг «ғит-ғит»ингиз иккинчи даражали нарса!» Ишингизнинг нимаси муҳим? Одамларга ҳузур бағишламайдиган, асабини бузадиган қанақа муҳим иш экан ўзи у? Бунақамас-да! Одам деган сал камтарроқ бўлиши керак. (*Креслога ўтириб қолади.*)

А ё л. Бўлдими? Ўзингизни босиб олдингизми?

Э р к а к (*дарс тийёрламай келган ўқувчига ўхшаб*). Нима, нотўғрими гапим?

А ё л. Йўқ, нега энди? Тўғри. Лекин, сиз иложи борича камроқ ҳаракат қилинг. Маслаҳат-да. Мана, деворни тақиллатдингиз, қўлингизни пахса қилдингиз, у ёқдан-бу ёққа юрдингиз, шунга чарчаб қолдингиз. Нима, қонингиз камми?

Э р к а к (*тутақиб*). Яна бир оғиз гапирсангиз...

А ё л. Нима қиласиз?

Э р к а к. Труба чалиб юбораман! Ўзи машқ қиладиган вақтим бўлди.

А ё л. Йўғ-э? Қўрқитиб юбордингиз-ку, а?

Э р к а к. Яқинда бизникига ногорачи дўстим кўчиб келади! Икки киши яхши-да, зерикмайди одам. Ана ундан кейин кўрасиз! Иккаламиз шунақа машқ қилайликки, деворингизнинг сувоқлари кўчиб кетсин! Шунақа, бир-икки марта деворингизнинг сувоқлари кўчса, кейин ўзингиз ҳам кўчиб кетасиз!

А ё л. Нималар деб алжираясиз ўзингиздан-ўзингиз? Ҳали-ку, ногорачи дўстингиз экан, артиллериячи дўстингизни кўчириб келсангиз ҳам ниятингизга етолмаясиз! Билдингизми? Ап-чшу!..

Э р к а к. Соғ бўлинг.

А ё л. Раҳмат. (*Қизишиб.*) Сиз айтган ҳалиги чиройли гапларни бошқалардан ҳам кўп эшитганман. «Меҳроқибат», «одамлар бир-бирларига доим яхшилик қилишлари керак», «эзуликка эзулик билан жавоб беришади!» Э, худойим!.. Чўнтақдан тушиб қолган гаплар. Йўқ, умуман, тўғри, шундай бўлиши керак. Лекин, қапи улар? Рағзи қанақа? Ёғочдан ясалганми, пластмассаданми? «Ўзаро ишонч», «одамгарчилик», «меҳроқибат» — биз болалигимиздан бу нарсаларни бор деб ишониб келамиз. Чунки бизни шундай тарбиялашган. Боғчада шундай тарбиялашади, мактабда шундай. Китоб ўқисанг шу гап, кинода шу ҳаёт, театрда эзуликка ишонган одамларни кўрсатишади. Кўчага чиқиб қарасанг, ҳаёт бутунлай бошқача. Кейин довдираймиз, қайси кўчадан юришни билмаймиз, адашиб қоламиз. Шунақа адашиб-адашиб яшай-верамиз... Менга қолса, мактабларда тарих, тригонометрия, жамиятшунослик билан бирга тубанлик, хиёнат, олчоқлик деган дарсларни ҳам киритардим. Шундай дарсликлар чиқартирардим. Токи, ёлғоннинг олдида довдираб қолмайдиган бўлайлик, хиёнат йиғлатолмасин, рўнара келиб қолганда биз уларни танийлик, кўзларига дадил, тик қарайдиган бўлайлик!.. Оғизда ҳаммаси тўғри чиқади: икки карра икки — тўрт. Амалда бўлса етти ярим чиқади! Гап ҳаммаси, гап... Чиройли, қулоқни эркалайдиган, ёқимли гап!

Э р к а к. Лекин бизнинг қишлоқда одамлар унақа эмас.

А ё л (*аламли жилмайиб*). Худбинликнинг ватани бўлмайди, миллатиям бўлмайди, территорияларга ҳам бўлмайди. Сиз анчадан бери қишлоғингизга бормаган кўринасиз. Одамлар ҳамма жойда бир хил... Кўчага чиқиб, бир одамларга қаранг-а. Ҳамма қўмондон, жанг қиладиган одам йўқ! Сал бўлсаям, нимада бўлсаям бир-биридан устун бўлишга ҳаракат қилишади. Ҳатто, биз яхши одам, деб ўйлаганларимиз ҳам! Ҳали сиз, «эркак киши — эркак киши-да», дедингиз. Кўрдингизми, келганингизга қанча вақт бўлди, шундаям нимададир устун бўлишга ҳаракат қилиясиз!

Э р к а к. Ҳечам-да...

А ё л. Йўқ, буни одам ўзи сезмайди. Худбинлик ҳам радиацияга ўхшаган гап — билинмайди, оғримайди. Ҳм!.. «Ҳар қалай, эркак киши — эркак киши-да!..»

Э р к а к. Бўпти энди, бир гапириб қўйибмиз, вой-бў!

А ё л. Хўп, сизнингча нега нима учун эркак киши

адашмайдиған, ҳамма нарсаи биладиған авлиёми у? Йўқ, мен шуни ҳеч тушунолмайман: мана, сиз эркак кишисиз-а, мендан қайси жиҳатдан устунсиз? Нима фарқингиз бор? Кўпроқ овқат ейсиз, каттароқ кийим киясиз — фарқи шу! Ахир, менинг ақлим етмаётган нарсага сизнинг ҳам ақлингиз етмайпти-ку — эшикни очолмайпмиз! Мен телевизорни тузатолмайман, сиз ҳам тузатолмайсиз! Хўш, нима, нима, нима? Бу квартирадан бошқасига кўчаётганда шифоньерни биз эмас, эркаклар кўтаришади — шуми? Куч ҳўкиздаям бор! Э-э, ҳаммаси ҳам бир гўр!..

Э р к а к. Кечирасиз, эрингиз сизни бунчалик хўрлаганини билмаган эканман...

А ё л. Йўқ, уни қўйиб туринг. Мен эрим билан чиқишолмаганимни айтаётганим йўқ, мен одамлар билан чиқишолмайман! Узоқдан қарасанг туппа-тузук кўринади, яқинроқ борсанг — ичи бўм-бўш, ичак-чавақдан бошқа ҳеч нима йўқ! Яна ишонасан, умид қиласан, хўп, худо юрак бермагандир, ҳеч қурса калласида бирон нима бордир, деб ўйлайсан... Қарайсанки, у ер ҳам эгаси кўчиб кетган ҳовлидай бўлиб ётибди!..

Э р к а к. Ие, унақада одамзоднинг ҳаммаси чиқитга чиқиб кетади-ку!

А ё л. Хўп, узоққа бориб ўтирмайлик. Мана, сизнинг каллангизда нима бор?

Э р к а к. Нима бор... Мия бор.

А ё л. «Мия бор»... Мия маймундаям бор! Ҳм, қаранг! Мен деворни тақиллатдим, сиз ўпанганини қўлтиқлаб югуриб келдингиз. Биласиз, бу ерда битта аёл яшайди. Ёлгиз!

Э р к а к. Тухмат!

А ё л. Ҳозир, мен сизникида қамалиб қолганимда нима қилардингиз?

Э р к а к. Нима қилардим... Битта аёл учун нима керак бўлса тўғрилардим, шароит яратиб берардим.

А ё л. Нега? Мана, мен сизга ҳеч нарса тўғрилаб берганим йўқ-ку, шароит ҳам йўқ. А? Ҳатто ўтиришгаям таклиф қилмадим. Ўзингиз ўтириб олдингиз, катта холагизнинг уйидай. Хўш, нима учун?

Э р к а к. Кимдир ёрдамга муҳтож бўлгани учун, кимнингдир қорни оч, бир кеча тунагани бошпанаси йўқлиги учун. Мен кўнгилчан одамман...

А ё л. Бай-бай-бай, мунча яхписиз! Агар уйингизга эркак киши кириб қолса-чи? Унда нима қилардингиз? «Мана кўрпа, мана ёстиқ, ётаверинг!» Эрталабгача бема-

лом хуррак отио ухлайверасизлар. Аёл киши бўлса нима бўлади? Ҳа, баракалло — хуррак эшитилмайди! Мен сизларни беш қўлимдай биламан!

Э р к а к. Сиз... сиз мени ким деб ўйлаясиз! Аёл сифатида анғирчалым қизиқтирмайсиз, деб кириб келишим билан айтганман! Сиз билан битта хонада ўлганимнинг кунинда нафас олиб турганимни тушунайсизми, йўқми?!

А ё л. Бақирманг! Менинг ҳам жа турқи тароватингизни кўраман деб кўзим учиб тургани йўқ!

Э р к а к. Менга қизингиз йўқ, тушунайсизми, қизиқ-массиз! Менга барибир, бу ерда одам турибдими, самовар турибдими — фарқи йўқ! Билдингизми?! Мана, кўзойнагимни олиб қўяман, ҳеч нима кўрмайман! Алло, ким бор? Ҳеч ким йўқ! Тамом!

А ё л. Кўзойнагингизни эмас, кўзингизни ўйиб олсангиз ҳам, кимлигингиз шундоқ кўришиб турибди!

Э р к а к. Хўш, ким эканмиз?

А ё л. (сўз қидириб бир оз тараддуланиб қолади). Музикачисиз!.. Трубачи! Билсангиз, бунақа музика чаладиганлар оркестринг, ҳў-ў, охирида ўтиради! Ҳаммадан кейинда! Йўлакда, даҳлизда ўтиради!..

Э р к а к. Кўчада ўтирсам ҳам бунинг овози барибир эшитилади! У, минғир-минғир қилиб, овози зўрға чиқадиганлар олдинда ўтиришади. Билиш керак!

А ё л. Барибир, безбетсиз!..

Э р к а к. Эрингиз ақлли одам экан, сизни ташлаб кетиб жуда тўғри қилибди! Жа, омадли йигит экан-да, лекин! Қаранг, тирик, соғ-саломат қутулибди-я шоввоз! Энди умри узоқ бўлади!

А ё л. Сизнинг хотинингиз ҳам кетиб, худди амир Олимхоннинг зиндонидан қутулгандай бўлгандир! Қўй сўйиб, элга ош берганмикан, ким билсин! Ҳа-а, қўй эмас, туя сўйсаям арзийди!

Э р к а к. Хотинимни аралаштирманг бу ишга! Собиқ хотинимни...

А ё л. Бўлмаса, сиз ҳам эримни аралаштирманг! Собиқ эримни... Билсангиз, сиз унинг тирноғигаям арзимайсиз!..

Э р к а к. Сиз ҳам хотинимнинг... зирак тақадиган, ҳалиги... битта қулоғигаям арзимайсиз!

А ё л. Шундай ажойиб хотинингиз бор экан, нега ажралишдинглар?

Э р к а к. «Бунинг сизга қизиги йўқ!» Шунақа! Сизни нега ташлаб кетди?

А ё л. Ташлаб кетгани йўқ, ўзи кетди!

Э р к а к. Албатта кетади-да! Бунақа хотин билан тимсоҳ ҳам яшамайди!

А ё л (*бақириб*). Йўқолинг, башарангиз қурсин!.. Сул-лоҳ!.. Ярамас!.. Кўзимга кўринманг, дөшман!

Э р к а к. Кетаман-е, бақираверасизми ҳадеб! Биз ҳам кўчада қолганимиз йўқ! Бу ерни елкамнинг чуқури кўрсин! (*Кета бошлайди.*)

А ё л. Анави металлоломингизни ҳам олиб кетинг!

Э р к а к. Олиб кетаман! Бу ерда микробимниям қолдирмайман! (*Трубасини олиб эшикка боради. Эшик очилмайди.*) Эшикмас бу!..

А ё л. Э, худо!.. Кетаётганингизни кўриб шундай енгил тортувдимки... Ап-чшу!..

Э р к а к. Соғ бўлинг.

А ё л. Раҳмат...

Сукут.

Ҳа, нега бақрайиб қолдингиз, дўппи кийган мушукни кўргандай?

Э р к а к. Ростдан ҳам мушукка ўхшайсиз. Ўтиришингизни қаранг, гужанак бўлиб, ҳурпайиб олибсиз.

А ё л. Нега менга тикилиб қолдингиз, деб сўраярман?

Э р к а к. Ўзингиз нега тикилиб қолдингиз?

А ё л. Менми? Ҳечам-да.

Э р к а к. Унда менинг тикилиб турганимни қаёқдан билдингиз?

А ё л. Арши аълодан овоз келди! Ап-чшу!..

Э р к а к. Соғ бўлинг.

А ё л. Раҳмат. Ап-чшу!..

Э р к а к. Соғ бўлинг.

А ё л. Раҳмат.

Сукут.

Ап-чшу!.. (*Эркакнинг «соғ бўлинг» дейишига кўникиб қолди шекилли, беихтиёр.*) Раҳмат...

Улар ялт этиб бир-бирига қарашади. Аёл хижолатли табассумини яшириш учун тескари ўтирилади.

Э р к а к. Шамолладингизми?

А ё л. Ишингиз бўлмасин.

Э р к а к. Балконга бекор чиқдингиз-да. Бош нақароқ бўлса, оёқнинг шўри, деган гаплар бор...

А ё л. Сиз шамолламадингизми, соғмисиз — жим ўтиринг!

Э р к а к. Нима кераги бор шунақа ўжарликнинг? Айтдим, шамоллаб қоласиз, дедим. Елкангизга биров парса ташлаб олинг. Пальтонгиз қаерда? (*Пальтони олиш учун шифоньерга яқинлашади, лекин бу масалада дакки егани ёдига тушиб, орқага қайтади.*) Адёл ҳам бўлаверади...

А ё л. Керак эмас. Ап-чшу!..

Э р к а к (*адёлни олиб*). Елкангизга ташлаб олинг, ўзингизга ўзингиз душманмисиз?

А ё л. Керак эмас, дөшман! Ҳеч қанақа шамоллаганим йўқ.

Э р к а к. Э-э, ўжарлик фақат сизда борми!.. (*Адёлни ёпмоқчи бўлади.*)

А ё л. Нарн туринг! Сиздақа меҳрибондан ўргилдим!

Э р к а к. Э, қанақа одамсиз ўзи, бирпас типирчиламай туринг!

А ё л. Ўз ҳолимга қўясизми, йўқми?!

Э р к а к (*бақириб*). Қўймайман! Мени деб шамолладдингиз, энди айбимни ювишим керак.

А ё л. Адёлни жойига қўйинг, гуноҳингиздан ўтдим.

Э р к а к. Гуноҳимдан ўтганингиз билан соғайиб қолмайсиз-да. (*Адёлни қўйиб.*) Чатоқ бўлди-ю... (*У ёқдан-бу ёққа юра бошлайди.*)

А ё л. Ҳа?

Э р к а к. Виждон қийналяпти.

А ё л. Қаранг-а! Жуда қаттиқ қийналяптими?

Э р к а к. Ҳа, бураб-бураб, санчиб-санчиб оляпти!

А ё л. Докторга кўрсатинг, операция қилиб олиб ташлашади. Виждон ҳам кўричакдай гап: ҳеч иш қилмайди-ю, оғриғи оламини бузади. Ҳозир кўпчилик шундай қиляпти. Бир йўла ҳамма азоблардан қутуласиз.

Э р к а к (*ўйланиб*). Бўлмаса, мундай қиламиз. Ҳозир мен ҳам балконга ярим соатгина чиқиб тураман, шамоллайман — ҳисоб биру бир бўлади. Менимча, энг тўғри йўл — шу. Алвидо! (*Балкон томонга юради.*)

А ё л (*унинг йўлини тўсиб*). Биласизми, жиннилингиз (*томоғини кўрсатиб*) мана бу еримга келди! Ўтиринг!

Э р к а к (*беихтиёр ўтиради, кейин алам қилиб, туриб кетади*). Сиз... нега менга хўжайинлик қиласиз? Нарн туринг, йўлимни тўсманг!

А ё л. Овора бўласиз! Энди бир камн менинг уйимда касал бўлишингиз қолувди! Соғ вақтингизда бир қоп ташвиш бўлиб турибсиз, касал бўлсангиз, билмайман, нима бўлади! Нарн туринг-е, тиқилаверасизми бульдозерга ўхшаб!

Э р к а к. Э, ўзингиз нега менга ёпишасиз?! Нима, урушга кетяпманми?!

Аёл қўлига лншйкани олади.

Нега унда, адёлни ёпиб қўяй, десам... тўполон қиласиз?..

Аёл (*уф тортиб*). Бўнти, ёпиб қўя қолинг...

У креслога келиб ўтиради, эркак адёлни ёпиб қўяди.

Э р к а к. Энди нима қиламиз?

Аёл. Эндими? Энди тошбақа тухумига тикилгандай бир-биримизга қараб ўтираверамиз.

Э р к а к. Бунинг нима қизиги бор?

Аёл. Бўлмаса, қизикроқ нарса ўйлаб топинг.

Э р к а к (*хонани айланади, бир неча кассеталари билан портатив магнитофонни олиб келиб, столга қўяди*). Музыка эшитамиз! (*Кассеталарга қараб*.) Нимангиз бор?

Аёл. Ўтириб фикр қиляпсиз!

Э р к а к. Э, ҳозир элганиб фикр қилсангиз ҳам бундан дурустроқ нарса ўйлаб тополмайсиз. (*Магнитофонни қўяди*.)

Аёл (*магнитофонни ўчириб*). Ҳеч бўлмаса, қўшниларга раҳмингиз келсин!

Э р к а к. Нега энди уларга раҳм қилишимиз керак экан? Улар маза қилиб ухлашяпти, бизга раҳми келсин, Марсга тушиб қолган астронавтларга ўхшаб ўтирибмиз! (*Магнитофонни қўяди*.)

Аёл. Эсингизни еб қўйибсиз! (*Ўчиради*.)

Э р к а к. Қизганчиқ! (*Қўяди*.)

Аёл. Жинни-пиннимисиз, нима бало?! (*Ўчиради*.)

Э р к а к. Тўғри, музыка жиннисимап! Яқинлашманг, жиннига қонун йўқ!.. (*Магнитофонни қўяди*. Аёлнинг яна ўчиргани келаётганини кўриб, магнитофонни шифоньернинг устига олиб қўяди.)

Аёл чўзилиб кўради, бўйи етмайди. Музыка қулоқни қоматга келтириб жаранглайверади.

Аёл. Безорил.. Қароқчил.. Гапгестер!.. (*Қўлларини белгиса қўйиб, бирпас ўйланиб туради*. Сўнг стол устидаги нарсаларни бир четга олиб, столни шифоньернинг олдига суриб келади.)

Эркак қараса, аёлнинг магнитофонга қўли етадиган, магнитофонни шифоньернинг ўртароғига суриб қўяди. Аёл магнитофонга

етиш учун шифоньернинг устига чиқишга мажбур бўлади. Шу пайт эркак столни илгариги жойига олиб келиб қўяди. Аёл магнитофонни ўчиради.

Э р к а к. Альпинист бўп кетинг-э!

Аёл. Дарров столни жойига олиб келиб қўйинг-чи!

Э р к а к. Мен келганимда стол шу орда турувди, демак, жойи шу ер.

Аёл. Яхшиликча олиб келинг, бўлмаса пушаймон бўласиз!

Э р к а к. Чизмаларингизни узатиб юборайми, ўша ерда чизиб ўтирасиз?

Аёл (*тушишга уриниб кўради, жазм қилолмайди*). Охирги марта айтяпман, стол келадими бу ерга, йўқми?

Э р к а к. Йўқ! Бормайди!

Аёл. Унда, сакрайман. Бир! Икки!..

Эркак ҳар аҳтимолга қарши шифоньернинг яқинига келиб туради.

Икки ярим!.. Икки яримнинг ярими...

Э р к а к. Унинг ҳам ярими!

Аёл (*йиғламсираб*). Майиб бўлиб қолсам майлими?

Э р к а к. Биров сизга сакранг, деяпганими? Ўтирибсиз-ку, ойдайд бўлиб! Бирон нарса керак бўлса, айтинг, узатиб юбораман. Битта аёлга бундан ортиқ нима керак тагин!

Аёл (*чорасиз*). Столни олиб келинг, бўлмаса кунингизни кўрсатиб қўяман!..

Э р к а к. Нима кераги бор, шундоқ ҳам яхши кун кўряпман. Эҳ, ҳеч ким халақит бермаса қандайд яхши-я! Энди бирпас чўзилсак ҳам бўлади. Ечиниб ётсаммикан?..

Аёл (*шиппагини отиб*). Мана, ечиниб ётасиз!.. (*Дўқ қилиб*.) Олиб келиб беринг!

Э р к а к (*шиппақни олиб*). Нима қиласиз?

Аёл. Отаман!

Э р к а к. Ростгўйлигингиз яхши. Лекин ниятингиз ёмон. (*Шиппақни ташлаб*.) Оёқни узатиб ётадиган замонлар ҳам келаркан-ку... (*Диванга чўзилади*.)

Аёл (*ҳам жаҳл, ҳам араз билан*). Илойим, хотинингиз қайтиб келиб, бошингизга ғалвадан чиқмасин! Трубангизни чалолмай қоладиган бирон касалликка йўлиқинг! Лифтда қамалиб қолинг! Ёлган эшигингиз очилмасин, очганингиз ёпилмасин!..

У узоқ куйиб-пишиб жаврайди, кейинги сўзлари музика остида қолиб кетади. Секин-аста парда ёпилади.

ИККИНЧИ ҚИСМ

Яна ўша хоёна. Вақт алламаҳал бўлиб қолган. Аёл ҳалиям шифоньорнинг топасида. Тақдирга таш берган шоклили, қандайдир бир журнални жимгина варақлаб ўтирибди. Эркак диванда чўзилганича, юзига газета ёпиб ухляпти. Ҳар қалай, ухлаганга ўхшаб ётибди.

Аёл. Ап-чшу!..

Эркак (*юзидаги газетани хил кўтариб*). Э-эй, Робинзон, уфқ томонга қаранг-чи, нима кўриняпти экан?

Аёл. Турқингиз кўриняпти.

Эркак. Ухлаб қолманг, дейман-да. Тушиб кетсангиз, товонингизга қолиб ўтирмай тагин. (*Газета варақлаб.*) У-бу нарса ўқиб берайми, сиёсий онгингиз ошади?

Аёл (*увшиган оёғини уқалаб*). Анали ёстиқни узатиб юборинг.

Эркак. Ёстиқ? Қанақасидан, кислородлигиданми?

Аёл. Бачкана бўлманг!

Эркак (*ёстиқ узата туриб*). Ўшанақа ёстиқми, дебман. Тонада кислород кам бўлади-да.

Аёл. Қорним очди.

Эркак. Табриклайман! Қайтар дунё!

Аёл. Холодильникни қаранг, бирон нарса бўлса керак.

Эркак. «Бирон нарса бўлса керак!» Ие, уйингизда нима борлигиниям билмайсизми? Аёл кишимизлар тагин!

Аёл. Тўнғилламай боринг!

Эркак. Норин-порин деган нарсалар билан холодильникни тўлдириб ташламайсизми! Зап хотинлар етишиб чиқяпти-да лекин! Қапгир билан оташкуракнинг фарқига боришмайди! (*Ошхонага кириб кетади.*)

Кўп ўтмай ошхона томондан нимаингдир ағдарилгани, идиш-товоқларнинг сингани эшитилади.

Аёл. Вой, ўлай!.. (*Бақириб.*) Нима бало қилдингиз? Сизга кўзойнак эмас, микроскоп керак экан!

Эркак (*чиқади, қўлида синиқ ликопчалар*). Тўртта синди... Эртага уйимдан олиб чиқиб бераман...

Аёл. Раҳмат, анча кўнглимни кўтардингиз! Ўша ердаги челақка ташланг. Ҳеч қурса, шуни эпларсиз?

Эркак. Эплаймиз... (*Ликопча синиғига қараб.*) Сифат белгиси бўлгани билан ҳеч нимага ярамас экан-да, а? (*Ошхонага кириб кетади.*)

Аёл. Довдирми, нима бало...

Эркак (*чиқиб*). Келган бало ўшанга урсин... Шунақа гап бор шекилли?

Аёл. Ҳа, бор. Синган нарсани тузатишнинг иложики топшолмаганидан кейин шунақа деб қўйишади.

Эркак. Энди эҳтиёт бўламан...

Аёл. Ҳа, бир шунақа қилинг!

Эркак ошхонага кириб кетади.

Эркак (*ичкаридан*). Қозондаги нима?

Аёл. Қозонда нима бўлади, овқат-да.

Эркак. Нега, нима бўлади? Ювинди бўлиши мумкин... Иситмасам ҳам бўлар: ичимизда исийди.

Аёл. Совиб қоштимми?

Эркак. Йўқ, илиқ... Бармогимни тиқиб кўрдим.

Аёл. Йўқ, соғ эмас бу!..

Эркак (*косада овқат олиб чиқиб, аёлга узатади*). Денгиз сатҳидан бир шифоньор баладликда яшаётганлар тез-тез исенқ овқат еб турини керак! Айниқса, ярим кочада!

Аёл (*косани олиб*). Раҳмат.

Эркак. Арзийди. (*Ичкарига кириб кетади.*)

Аёл овқатлана бошлайди, эркак чиқини билан косани бир четга суриб қўйиб, ҳеч нима бўлмагандай ўтираверади.

Аёл (*эркак ўзига овқат олиб келиб ўтириши билан*). Қошиқ-чи?

Эркак. Нима?

Аёл. Қо-шиқ.

Эркак. Ҳо-зир! (*Чиқиб кетади.*)

Аёл яна овқатланишга тушади. Эркак қошиқ олиб келиб беради.

Аёл (*эркак ўтириши билан*). Нон олиб келмадингиз-ку.

Эркак. Овқат қуюқ-ку, понци нима қиласиз?

Аёл. Нонни нима қилади, ейди-да.

Эркак (*овқатлана туриб*). Нон одамни семиртирармиш.

Аёл (*бақириб*). Олиб келасизми, йўқми?!

Эркак. Ҳозир, ҳозир... Овозининг ўткирлигини...

У қайтиб чиққунича аёл шопа-пиша овқатланиб олади. Бир қўлида поц, иккинчисида жикқа ҳўл дўпписини гижимлаб олганича эркак чиқиб келади.

А ё л (нони олиб). Терадаги шкафта мурч бўлиши керак эди.

Э р к а к (дўпписини сиқиб). Бўлиши керак бўлса тургандир, мен токкапим йўқ.

А ё л. Олиб келиб берсангиз, ҳақингиз кетиб қолади-да, а?

Э р к а к. Тинчгина овқатланиб бўладими ўзи бу уйда, йўқми?! Олиб келиб бордим-ку, шукр қилиб ойормайсизми! Э, қанақа бедодлик бу?.. (Дўпписини силтаб-силтаб қарайди: тепаси куйиб, илма-тешик бўлиб қолибди.)

А ё л. Ҳа?

Э р к а к (дўпписини кийиб). Қозонни ушлагани нарса тополмай, дўппини ишлатворувдим...

А ё л. Ҳавр бўпти-ю... Мешга қаранг, анави трубагизни айтаман, нима, ўшани чалиш ўзингизга ёқадими? Ахир унда бир куйниям ёлчитиб чалиб бўлмайди-ку. «Гат-гат, гат-гат» — бошқа гап йўқ.

Э р к а к. Ҳм, шунақа денг? Қани, айтинг-чи, бу ер қаер ўзи?

А ё л. Қаер... Менинг уйим.

Э р к а к. Йўқ, бу ер Ўзбекистонми ё Голландиями? Қаранг, қаранг, бир уйингизга қаранг! Стол, стул, шифоньер, телевизор, диван, телефон, бало, баттар! Кўрдингизми? Бирон нарса ерни эслатмайди! Хўш, нима фарқ қолди? Ҳамма асаларига ўхшаб ўзининг кавагига кириб олади — тамом, буюқда дунёни сув олиб кетмайдими! Ҳатто, бошқа-бошқа ҳаводан нафас оламиз! Кондиционер ҳар биримиз учун алоҳида, махсус ҳаво етказиб беради! Яшашимиз бу... Қийим-кочак-чи? Ана, эгингизга илиб олган нарсангизни қаранг! Кимсиз ўзи? Мабодо сизни кўчада кўриб қолсам, қайси тилда гапланишпиз билмайман. Ким билади, чет элдан келган туристмисиз, бошқамисиз! Ер билан осмон ўртасида муамлақ яшаймиз. Кейин полиб юрамиз: «Оқибат йўқолиб кетяпти», «Виров билан бировнинг иши бўлмай қолди!» Ким айбдор бунга? Мана шу турмуш тарзимизнинг ўзи шундай яшашга мажбур қиляпти-ку! Битта ҳаводан нафас ололмаймизми, битта ариқдан сув ичолмаймизми — шундай бўлаверади!

А ё л. Ўзингиз-чи, ўзингиз? Ана, қўлингизга труба ушлатиб қўйинибди-ку, чираниб пуфлаб ётибсиз.

Э р к а к. Мен ҳам шуни айтаман-да.

А ё л. Ундай бўлса қишлоғингизга бориш, бу орда нима бор?

Э р к а к. Бу ерда яшаш қулай. Мундоқ бурайсан — совуқ сув келади, мундоқ бурайсан — иссиқ сув, газ, те-

лефон, лифт. Қулай-да. Қўчада биров думалаб ётибди-ми — кўрмаганга олиб ўтиб кетаверасан, бу айб саналмайди. Қулай. Девор-дармиён қўшнинг додлаб ёрдам сўраётгани — радиони баланд қилиб қўйиб ўтираверасан. Қулай! Қишлоқда-чи? Қийин... Думалаб ётган одамнинг ёнига бориб, нима бўлди, деб сўраш керак, турғазининг керак, касалхонага олиб боришинг керак, кейин қариндош-уругига хабар ҳам қилиб қўйишинг керак. Қишлоқда йиги эшитилган жойга айтилмаса ҳам ҳамма келаверади. Қийин, қийин... Бу ерда қулай! Минглаб квартиралардан йиги овозлари эшитилади... Йўқ, эшитилмайди, чунки одамлар овоз чиқармай йиғлашга ўрганган. Виждон — соқов, имон — кўр... Қулай...

А ё л (ўйчан). Қизиқ... Умрингиз шаҳарда ўтган, лекин қишлоғингизни унутолмайсиз. Нега одам болалигини соғинаверади, а? Ҳатто болалиги энг қийин пайтга, масалан, уруш даврига тўғри колгаллар ҳам ёшлигини ширин бир энтикиш билан эслайди.

Э р к а к. Ҳамма ҳам эмас. Бутун ҳаётини болалигида яшаб бўлганларгина эслайди.

А ё л (унга аллақандай ҳавас ва ҳамдардлик билан бирпас қараб туриб). Тўғри... (Кулимсираганича йиртиқ дўппига ишора қилиб). «Қийимингиз ундоқ, кийимингиз мундоқ», дейсиз. Ана, дўппингиз бор-ку, бўлади-да.

Э р к а к (чуқур тин олиб, дўпписини кўздан кечира туриб). Ҳа... Битта дўппи қолувди, унгаям ўт кетди... (Анчадан кейин.) Қишлоқда туйгулар ҳам бошқача... Биласизми, қишлоқдаги мактабдан нега мени ҳайдаб юборишган?

А ё л. Нега?

Э р к а к. Ўқитувчимни яхши кўриб қолганман. (Ширин энтикиб.) Чиройли шеър ўқирди қургур...

А ё л. Нечанчи синфда ўқирдингиз ўшанда?

Э р к а к. Учинчи.

А ё л. Нечанчи?

Э р к а к. Учинчи. Саккиз-тўққиз ёшларда бўлсам керак.

А ё л. У-чи?

Э р к а к. Ёш. Ҳали ўттизгаям кирмаган эди.

Сукрут.

Нималигини билмадим-у, лекин жудаям тиниқ, беғубор туйғу эди...

А ё л (кўзларини бир нуқтага қадаб). Мен ҳам шундай доб ўйлайман. Фақат, бировга айтишга қўрқаман —

ишонишмайди-да... Кулишади... Менимча, фақат болалар ростакамига севолади. Шундоқ рўйирост, ҳисоб-китобсиз, тамасиз... Улар катта бўлганидан кейин табиат ўзи берган бу ишъомини қайтиб олиб қўяди. Ана ундан кейин одам ҳамма нарсага ақли етадиган зукко, ҳар балоши тушунадиган донишманд бўлиб қолади. Дунё сирли туюлмайди... Биз, катталар, битта кичкина қизалоқ ўз қўғирчоғини севганидай бир-биримизни севолмаймиз. Унинг қўғирчоғини олиб қўйинг-чи, йиғлайди, овқат емайди, ухламайди, бутун дунёни бошига кўтаради. Биз йиғламаймиз. Овқатланаверамиз!

Эркак овқатланишдан тўхтайд.

Ухлайверамиз! Тош асрида яшаган одамларга ҳавасим келади. Бировга аталган гўнтини бошқаси об қўйдими, ҳаммаси бараварига тўқмоқларини кўтаришиб ҳайқиршади-да, унинг ўзини об қўя қолишади. Содда, адолатли усул.

Эркак. Гуманизм-чи?

Аёл. Билмадим, билмадим... Сенга ҳамкасбинг жилмайиб салом беради-ю, бу табассум ортида нима яширинганини худонинг ўзи билади! Қўғирчоғини йўқотиб қўйган қизалоқнинг кўз ёшларини биз бошқа нарсаларга сарфлаймиз! Унинг қиқирлаб кулишини эса биз ҳамкасбимизнинг мағлубиятидан лаззатланишга харж қиламиз! Биз шунчаки йиғламаймиз, шунчаки кулмаймиз! Кўз ёшу кулгиларимизни ҳам пуллаймиз! Ҳеч ким бекорга ҳеч нима қилмайди. Ҳаммасининг замирида тама этади... (*Матьос жилмайиб.*) Тош даврига қайтишнинг иложи йўқ, шунинг учун болалар билан овунаман. Сиз келганингизда болалар боғчасининг лойиҳаси устида бош қотираётгандим. Ҳалиги, «бу уйларни сиз қургансиз», деган гапингиз нотўғри. Мен фақат болалар учун қураман...

Эркак. Бундан чиқди, севги деган парсанинг борлигига ишонмайсиз?

Аёл (*бош чайқаб*). Йўқ...

Эркак. Виласизми, бу қийшиқ фалсафа.

Аёл (*жилмайиб*). Фалсафаям қийшиқ бўларканми?

Эркак. Нотўғри бўлганидан кейин қийшиқ бўлади-да. Нима энди, битта одам ишончингизни оқламаган бўлса, тош даврига равона бўлиш керакми? Ёки бутун шаҳарга, «Бу дунёда севги йўқ!», деб бақириб керакми?

Аёл. Бақираётганим йўқ.

Эркак. Бақирасиз. Юрагингиз бақиряпти...

Аёл кўз ёшларини яшириш учун бошқа томонга қарайди.

Ўзингиз ҳам, қандайдир, ёввойимисиз... Битта ўзингиз уйингизга кўмилиб олгансиз, мундоқ бир дилингиздагики тўкиб соладиган дўстингиз ҳам йўқдир? Ёруғ дунёга чиқип, атрофга бир қараинг!.. Мен бир нарсага жуда қаттиқ ишонаман: қаердадир менинг оғриқларим билан оғриётган биров бор! Мени қийнаётган нарсалар уни ҳам қийнапти, мени йиғлатаётган нарсалар ушيام йиғляпти... Эҳтимол, мен уни ташмасман, билмасман, лекин у бор!.. Ҳар куни уйқудан турганимда миямга дарров шу ўй келади: бор! Мана, у ҳам ўрнидан турди, у ҳам ювиняпти, понушта қияпти, кийиняпти, кўчага чиқяпти... Биласизми, сезиб тураман. У нима қилса, мен ҳам худди шуни қиламан: тураман, ювинаман, понушта қиламан, кийинаман, кўчага чиқаман... Ахир дунё кенг, одам кўп... Ишонини керак. Бахтли одамлар кўп...

Аёл. Бахтли одамлар йўқ, ўзларини бахтли қилиб кўрсатадиганлар бор. Буям санъат. Катта санъат. Яшаш санъати! Ишонмайсан — ишонадигандай бўлиб кўринишинг керак! Севмайсан — ўзини яхши кўрадигандай тутишинг керак! Қорнинг оч — қорни тўқдай юришинг керак! Ҳаво етмай, зўрға нафас олясан — яна юз йил яшайдигандай жилмайишинг керак!

Эркак. Ахир бунақада қандай яшаб бўлади? Йўқ, йўқ, йўқ, бу гапингизга қўшилмайман. Қаердадир чинакам туйгулар билан яшаётган бахтли одамлар бордир ахир! Фақат китобларда, ҳар хил томошаларда эмас, ҳаётнинг ўзидаям бордир! Ҳаммаям сиз билан менга ўхшамагандир... (*Ногоҳ тўхтаб, худди ёмон бир гап айтиб қўйгандай, аёлга тикилиб қолади.*)

Аёл (*кулмасираб*). Ана, ўзингиз ҳам ишонмас экансиз-ку, яна менга тасалли бериб ўтирибсиз.

Эркак. Нима, сизга қўшилиб йиғлайми бўлмасам?

Аёл. Йўқ, йиғламаман. Менда бировларни овутадиган сўзлар йўқ. Тутаган... Бўпти, косангизни узатиб юборинг.

Эркак. Ҳа, буларни ювиш учун бир челақ сув ҳам узатиб юборайми?

Аёл. Ҳа-я, эсим қурсин...

Эркак. Яхшиси, сиз косангизни беринг.

Аёл (*косани узага туриб*). Сизниям хизматга қўйдик-да.

Эркак. Қўяверинг, кўргилик.

У косаларни олиб ошхонага кириб кетади. Кўп ўтмай чиқади, қўлида латта, белида пешбанд. Қолиб столни арта бошлайди. Аёл эса унинг ҳамма эркакларда ҳам учрайвермайдиган бу хусусиятини аёлларга хос зийраклик билан кузатиб ўтирарди.

Аёл (*пешбандга ишора қилиб*). Муборак бўлсин, ярашибди.

Эркак. А, энди, биз бўз кийсак ҳам ярашаверади!

Аёл. Менга қаранг, нима, мен энди шу ерда ўтира-
вераманми, пионер қизнинг ҳайкалига ўхшаб?

Эркак. Менимча, шундай бўлгани маъқул. Қаранг,
қандай яхши ганлашиб ўтирибмиз. Пастга тушсангиз,
яна бу уйнинг эгаси эканлигингиз эсингизга тушиб қола-
ди — қўмондон бўлиб кетасиз.

Аёл. Яхши. Унда бир оғиз ҳам гапирмайман.

Эркак. Нима фойдаси бор? Зерикамиз — шу. Қаранг,
ҳали бир-биримизнинг исми-мизми ҳам билмаймиз. Тўғри,
танишишга вақт бўлмади ўзи. Сизнинг исмингиз нима?
А? Каримами, Салимами, Фотимами? Ҳа-а, тахтда ўтир-
ганингизга қараганда, Малика бўлсангиз керак, а? Э,
гапирсангиз-чи, труба чалиб юбораман ҳозир!

Аёл тиззаларини қучганича илдмай ўтираверади.

Жим ўтириш бўлса, жим ўтириш-да.

Сукут.

Саргузаштларимдан биттасини айтиб берайми? Эши-
тинг. Шу, десангиз, биринчи курсдамиди — эсимда йўқ —
кинога бордим. Қанақадир бир эски кино экан, лептаси
узилавериш жонга тегди. Мен билан қўшиб ҳисобласан-
гиз, залда саккизта одам. Эртаси кун яна ўша кинога
бордим. Индивидуал. Нимага боряпман, ўзимам билмай-
ман. Кейин билсам, бош ролни ўйнайдиган актрисани
яхши кўриб қолган эканман. Аввалига унчалик аҳамият
бермабман, қарасам — аҳвол жиддий. Озиб, чўп бўлиб
кетяпман. Шу қизни топмасам бўлмайди, дедим. Топи-
шимга шунақа ишопибманки, яқинда келинингиз билан
бориб қолсак керак, деб уйга хат ҳам ёзиб юборибман.
Уйдагилар хурсанд, бунинг эси кириб қолибди, деб. Қиз-
ни излаб, десангиз, бутун справочникларни қараб чиқдим.
Кейин билсам, у ўлиб кетган экан. 1913 йилда...

Аёл юзини тескари буриб кулади.

Ҳа-а, омад дегани бир келмаса келмас экан... (*Жур-
нал арақлайди*.) Ие, қаранг!.. Э, таниб!.. Дунёда гаройиб
нарсалар ҳам кўп экан-да... Хоразмда икки бошли бузоқ
туғилибди! Маза бўлса керак, а? У ёқ-бу ёқдан гапла-

ши-пб юраверади! Одам ҳам шунақа туғилса-чи, а? Та-
биат шундай яратса-да, эр-хотин, эр-хотин қилиб...

Аёл. Жиппимисиз?!

Эркак. Йўқ, сиз бунинг қудай томонларини тушун-
маяпсиз. Кийим-кечак масаласи проблема бўлмайди. Уни
олиб бориш, буни олиб бериш, деган гап йўқ. Устига-
устак, ошқозон битта — бир коса овқат бўлса етиб ортади.
Бунинг маънавий томониям бор: ҳеч ким ҳеч кимга хи-
ёнат қилмайди! Қаерга борса, бирга боради! Тасаввур
қилинганми, доим бирга бўлишади, бир-биридан ярим қа-
дам ҳам ажралишмайди! Бировининг бир жойи оғриси,
унисипикиям оғрийди. Кулса бирга кулади, йиғласа бир-
га йиғлайди! Бирга касал бўлиб, бирга соғаяди! Қаранг,
«тапаси бошқа дард билмас», деймиз-а? Тана бир бўлса-
чи? Юрак бир хил тепади! Дард бир! Оғриқлар бир! Имон
бир! Ораулар бир!.. Улса, бирга ўлади! Е тавба... Бирга
туғилиб, бирга ўлади...

Аёл даҳшатли бир ҳақиқатни аниқлагандай, қўрқув аралаш ҳай-
рат билан унга тикилиб қолади. Анча вақт жим ўтиришади.

(*Журналга қараб.*) Ие...

Аёл. Ҳа?

Эркак. Бузоқчалар ўлибди...

Аёл. Нимадан ўлибди?

Эркак. Ёзишмабди. Икки ой яшади, дейилган, хо-
лос...

Аёл (*ўзига-ўзи гапиргандай*). Бундай бахт қўзлик
қилган...

Сукут.

Эркак. Ҳа, нимани ўйлаб қолдингиз?

Аёл эшитмагандай, ўша кўйи ўтираверади.

Э-эй, сизга айтяпман!

Аёл (*чўчиб тушгандай*). А?..

Эркак. Ё! Нимани ўйлаяпсиз, деяпман?

Аёл. Ҳа... Менми? Кўриб турибсиз, ўзим бу ердан
тушолмайман. Шу, мени кўтариб туширолармикансиз,
шуни ўйлапман. Йўқ, кўтаролмасангиз керак, рамақи-
жонгина экансиз, билмадим-да... Бунинг устига, қонингиз
кам.

Эркак. Сиз мени нима деб ўйлаяпсиз? (*Шифоньер-
га яқин келиб.*) Сакранг, илиб олмаган номард!

А ё л. Нима, мен теннис паригиманми, илиб оладигап.
Сакрасам полда фақат суратингиз қолади.

Э р к а к. Бўлмаса... Кўтариб туширишим мумкин...
Қани, қолиш-чи...

А ё л. Майли, бир уриниб кўринг.

Эркак уни кўтариб тушириб қўлди. Ноқулай сукут.

Э р к а к. Ана...

А ё л. Соқолингиз ўсиб кетибди...

Э р к а к. Бугун эрталаб олувдим...

А ё л. Аниқроғи, кеча эрталаб.

Э р к а к (*соатиға қараб қўйиб*). Ҳа, энди кеча эрта-
лаб...

А ё л. Ҳа? Бурним сиёҳ бўлтим, тикилиб қолдингиз?

Э р к а к. Чиройли экансиз...

А ё л. Ассалому алайкум. Яхшимисиз?

Э р к а к. Раҳмат. Ўзингиз типчимисиз?

А ё л. Сал яхши гапирсанг, шу-да — дарров. ўзидап
кетади!

Э р к а к. Вой, аҳмоғ-ей!..

А ё л. Нима?!

Э р к а к. Йўқ, мен аҳмоқман, мен! Тушириб ўтириб-
ман-а, хом сут эмган банда! Доим ўзимнинг бошимга ўзим
ташвиш ортириб юраман!

А ё л. Биров сизга, тушириб қўйинг, дедими?

Э р к а к. Ие, ўзингиз айтдингиз-ку!

А ё л. Туширолмайсиз, дедим. Тушириб қўйинг, до-
ганим йўқ.

Э р к а к (*аразли тўнғиллаб*). Қонингиз кам, дейсиз...
Ерга ёпишиб қоласиз, дейсиз... Нима, мен одаммасман-
ми?

А ё л. Мен унақа деганим йўқ.

Э р к а к. Раҳим келди-да, бўлмаса ўтираверардин-
гиз, ҳинд маъбудасига ўхшаб!

А ё л. Кўнглингиз бўш-да.

Э р к а к. Яхши бўпти!

Сукут.

А ё л. Негадир ланж бўлиб кетяпман...

Э р к а к. Ўзи бугун ланж кун бўлди-да, на у ёқлик,
на бу ёқлик — аросат!

А ё л. Ҳа. Суҳбатимиз ундап ҳам ланж.

Э р к а к. Тўғри. Мана бу ерга келганимга қанча бўл-

ди, шу, келганимдан бери типмай жанжаллашамиз!
Шуям ҳаёт бўлди-ю!

А ё л. Ие, менга қаранг, у нима деганингиз? Қанақа
ҳаёт? Бу ерда минг йилдан бери яшаётганга ўхшаб гапи-
расиз! Топг отсин, ЖЭКдан келиб эшикни очишади —
даф бўладилар! Гапни қаранг, «шуям ҳаёт бўлди-ю»
эмиш!

Э р к а к. Мана, тагин жанжал! Мен бир нима дедим-
ми? А хўп, фикримни сал бошқачароқ тушунтириб қўйиб-
ман. Хўш, нима бўпти? Осмон узилиб ерга тушибдими?

А ё л. Мен нима дедим? Ўзингиз бошладингиз-ку.

Э р к а к. Йўқ, сиз бошладингиз!

А ё л. Йўқ, сиз! Менинг аниқ эсимда: «Шуям турмуш
бўлди-ю», дедингиз!

Э р к а к. Э, қулоқдан ҳам худо берган экан! «Шуям
ҳаёт бўлди-ю», дедим! Фарқи бор!

А ё л. Бўпти, бўпти!

Э р к а к. Одамга шунча тухмат қилиб қўйиб, яна
«бўпти, бўпти», дейди! Ана энди гапингизга пушаймон
бўлиб, қизариб ўтирибсиз.

А ё л. Қизарганим йўқ.

Э р к а к. Кўриб турибман-ку.

А ё л. Келинг, қўйинг энди. Негадир, ўзимни ёмон ҳис
қилияпман...

Э р к а к (*жаҳл билан*). Мен ҳам ёмон ҳис қилияпман!

А ё л (*бутунлай бошқа оҳангда*). Ҳеч нима сезил-
ми?..

Э р к а к (*ўридан туриб, диққат билан*). Нимани се-
зишим керак?..

А ё л. Нимадир куйяпти... (*Ошхонага югуради, ичка-
ридан.*) Вой, шўри-им!..

Э р к а к. Нима бўпти?

А ё л. Дард бўпти! Опқат иситганингиздап кейин газ-
ни ўчириб қўймайсизми?! Қозоннинг аҳволини қаранг!..

Э р к а к (*довдираб*). Пишган гишт билан ишқаса ке-
тади...

А ё л (*чиқиб*). Бунақада жинни бўп қолиш ҳеч гап-
мас!..

Э р к а к. Деразани очиб қўйдингизми? Қаранг, бир-
пасда куйиб кетибди-да, а?

А ё л. «Бирпасда»миш!

Э р к а к. Хўп ана, иккипасда! Қўяверинг, ўзилам уч-
чалик мазали овқат эмас эди.

А ё л. Ҳо, пок-покиза туширдингиз-ку, икки йил оч
қолгандай!

Эркак. Туямасман-ку мен, суткалаб овқат емайди-ган! Оч қолганимдан кейин едим-да, бало бўлсаям!

Аёл (ўзини креслога ташлаб). Чиндан ҳам мазам қочапти шекилли...

Эркак. Ростданми?.. Иситмангиз йўқми? (Аёлнинг пешонасига қўлини қўйиб кўрмоқчи бўлади.)

Аёл (унинг қўлига бир уриб). Олинг қўлингизни!

Эркак. Оллик... (Раҳми келиб.) Балконга бекор чиқдингиз-да...

Аёл. Айтгансиз у гапни.

Эркак. Яна айтаман! Чиқмаслик керак эди! Яна айтайми? Бир нимани билмасам, гапирмайман. Чиқманг, дедим. Шамоллаб қоласиз, дедим! Йўқ, ўзининг билганидан қолмайди!

Аёлнинг негадир кулгиси келар, сир бой бермаслик учун муштига йўталиб қўярди.

Бир каттанинг галига кир, бир кичикнинг, дейишган қадимгилар. Ёмон бўлсин, демайман! Одам ҳам шунақа ўзбошимча бўладими? Қани, диванга!

Аёл. Ни-ма?..

Эркак. Диванга ётинг, деяпман!

Аёл. Эсингизни еб қўйибсенгиз!..

Эркак. Ҳали шифоньердан кўтариб тушириб, машқ қилиб олганман, диванга ҳам худди шунақа қилиб олиб бориб қўйишим мумкин!

Аёл. Сиз ҳаддингиздан ошяпсиз! Анави линейкани узатиб юборинг!

Эркак. Унда ўзингиздан кўринг... (Кўтаришга чоғланади.)

Аёл. Бақираман!

Эркак. Жуда яхши. Бақирсангиз ўпкангиздан ҳаво чиқиб кетади, кўтаришим осон бўлади. (Кўтармоқчи бўлади.)

Аёл. Яқинланманг, деяпман!

Эркак (тушунтириб). Ахир сиз касалсиз, ётишингиз керак, тушунсангиз-чи!

Аёл. Ўзингиз ётаверинг, мен касал эмасман!..

Эркак. Иситмангиз бор-ку!

Аёл. Ҳеч қанақа иситмам йўқ.

Эркак. Ана, кўрдингизми, иситмам йўқ, деб алаҳсираяпсиз.

Аёл. Алаҳсираётганим йўғ-а, туш кўряпсизми?

Эркак (бақириб). Қани, марш, деяпман!

Аёл. Уфф... (Диванга бориб ўтиради.) Мана, ўтирдим.

Эркак. Ўтиринг, деганим йўқ, ётинг, деяпман!

Аёл (оёқларини ердан узмай ётади). Бўлдими?

Эркак. Бунақада ичак-чавақларингиз қийшайиб қолади, тўғри ётинг. Кимга айтяпман!

Аёл. Эй, худойим-ей!.. (Ётади.)

Эркак. Бўларкан-ку. Шунгайм албатта жанжал қилиш керак, а? (Аёлнинг устива адёлли ётиб.) Бунақа нақтда нима қилади ўзи?... Мундай, сунъий нафас олди-рармиди?..

Аёл (ўзини аранг кулгидан тийиб). Тавба!.. Ўзим нафас оляпман-ку.

Эркак. Ҳм, у — сувга чўкканда, а... (Жонсараклик билан.) Терлашингиз керак.. Шамоллаганда қанақа дори ичилади? Наф... нафталин эмас-а?.. Нима эди?

Аёл. Аспирин.

Эркак. Ҳа, аспирин. Ҳамма дориларнинг номи бир-бирига ўхшайди-я. Уни қаердан топдик энди?

Аёл. Ошхонада аптечка бор.

Эркак. А-ҳа, аптечка... (Югурганича ошхонага кириб кетади, ичкаридан.) Тутун чиқиб кетибди, деразани ёниб қўяверайми?

Аёл. Ёнсангиз ёпаверинг, шуниям сўраб ўтирасизми?

Эркак (чиқиб). Ҳа энди, маслаҳатли иш яхши-да... Аспирин йўқ экан... Кўк дори бор, бўлмайди-а? Бўлмайди... Нима қилдик энди?..

Аёл. Ҳеч нима қилмайди, ўтиб кетади. Биринчи марта эмас-ку...

Эркак (стулини диванга яқинроқ суриб). Шунақа... тез-тез шамоллаб турасизми?

Аёл (кулимсираб). Вақтим бўлганида.

Эркак. Шуюм жавоб бўлди-ю...

Аёл. Шуюм савол бўлди-ю...

Эркак. Нима қилдик энди-а?... Ўйлаш керак, ўйлаш керак, ўйлаш керак... Ҳа, аспирин! Йўғ-а, айтгандай... Ие, нега йўқ? Бизникида бор!

Аёл. Тавба!..

Эркак. Сиз ётиб туринг, мен ҳозир... (Югуриб эшикка боради ва... уни очиб чиқиб кетади!)

Аёл эшикка тескари ётгани учун буни пайқамайди. Эркак дарров қайтиб келади, қўлида дори. Эшикни ёпишганим унутмайди.

А ё л (*эркакнино яқинлашавтеганидан завотирланиб*).
Ха?..

Э р к а к. Мана аспири! Айтмадимми, бизникида бор, деб! (*Аёлнинг ёнидаги стулга ўтириб, дорини оча бошлайд*.) Уйда ҳамма нарса тартибли бўлгани яхши-да. Дадам раҳматли айтардилар: «Қайчини олдингми, ишлатиб бўлиб, яна ўша жойига қўй...»

Иккаласи худди қолишиб олгандек бир-бирларига қарайдилар. Бирдан эшикка қараб югуришадди. Итариб кўришадди, очилмайдди.

А ё л. Ростдан ҳам уйингизга чиқиб келдингизми ё яна жиннилик қилипсизми?

Э р к а к (*қўрқиб кетгандай*). Э, одаммасман агар, чиқиб келдим!.. (*Дорини кўрсатиб*.) Мана далил!.. Бир хил эшикларга фотоэлемент ўрнатишадди-ю, шундоқ яқинлашингиз билан ўзи очилиб кетади. Балки буям шунақадир? (*Шаҳдам қадамлар билан эшикка боради ва қарсиллаб урилади. Пешонасини силаб*.) Фотоэлемент йўқ...

А ё л. Қўйсангиз-чи, ҳазилингизни!

Э р к а к. Қанақа ҳазил! Мен энди ҳар балого ишонадиган бўлиб қолдим...

А ё л. Қанақа қилиб бурадингиз ўзи?

Э р к а к. Шундай... Мана висини мундоқ қилиб бурадим-да, ўзимга тортдим... Кейин мундоқ қилиб ёниб, чиқиб кетавердим... (*Яна итариб кўради*.) Уфф, бир йўла валидол ҳам олиб чиқсам бўлар экан... Бўпти, бўлар иш бўлди... (*Эшикдан узоқлашадди, бирдан югуриб бориб очмоқчи бўлади — бефойда*.) Ужар, ўжар... Буям пешонада бор экан. Майли, дорини ичиб олинг. (*Дорини беради, чой қуйиб узатади*.) Ҳозир ўтиб кетади. Бирпас ўраниб ётинг.

А ё л. Майли, шундоқ ўтира тураман.

Э р к а к. Тагин ўжарлик қилипсизми?

А ё л. Ўжарлик қилаётганим йўқ, шунчаки гаплашиб ўтирмоқчиман.

Э р к а к. Ётиб гаплашаверсангиз ҳам бўлади-ку.

А ё л. Ётсам, сизга ҳурматсизлик бўлмасмикан...

Э р к а к. Ҳм! Шу пайтгача жа-а қойил қилиб ҳурматини жойига қўйдингиз! Бўлади, раҳмат!

А ё л. Сиз ҳам қарз бўлиб қолганингиз йўқ.

Э р к а к. Ҳа-а, хуллас, икковимиз ҳам қойил қилдик.

Сукут.

А ё л. Умуман, сиз жа унчалик ёмон одамга ўхшамайсиз, нима дедингиз?

Э р к а к. Нимаям дердим... Бунақа гапга ҳеч ким «потиғри гапиряпсиз», демайди, ҳаммага ёқади.

А ё л (*дераза тоқчасидан бир шиша қатиқ олади, пиёлаларга қуйиб, биттасини эркакка узатади*). Ушланг, яхши одам!

Э р к а к. Раҳмат... Менга биров пиёла узатмаганига-ям минг йил бўи кетди... Бўпти, соғ бўлинг! (*Бир кўтаришида пиёлани бўшагади*.)

А ё л. Маст бўлиб қолманг.

Э р к а к. Ҳозир чиндан ҳам маст бўлиб қолсам, нима қилардингиз?

А ё л (*тушунмай*). Қанақасига маст бўласиз?

Э р к а к. Шунақасига. Бирданга маст бўлиб қолсам-да. Албатта бир нима ичиб маст бўлинг қоракми? Бахтдан ҳам маст бўлиш мумкин-ку.

А ё л (*ўнғайсизланиб*). Йўқ, мумкин эмас...

Э р к а к. Нега?

А ё л. Мумкин эмас, дедимми — мумкин эмас! Ичкиликвозликка қарши қарор бор.

Э р к а к. Бу мастлик қарорларга бўйсинмаса-чи?

А ё л. Унда, линейка бор! (*Линейкани олади*.)

Э р к а к. Тушунарли.

А ё л. Яхши, дарров тушунар экансиз.

Э р к а к (*линейкага қараб олиб*). Бунақа нарсани дарров тушунамиз. Тушунмай ҳам кўр-чи, бир нима «қарс» этади, мундоқ кўзингни очсанг, реанимацияда ётибсан!

А ё л (*кулиб*). Чиндан ҳам тушириб қолади деб ўйладингизми?

Э р к а к. Айтиб бўладими! Синалмаган отнинг сиртидан ўтма, дейишган қадимгилар.

А ё л. Раҳма-ат, мақтовларингиз учун!

Э р к а к. Қимни мақтабмал?

А ё л. Ҳа энди, тимсоҳ, илон-пилонлардан кейин отга тенг қилганингиз мақтовдай гап-да.

Э р к а к. Ўзингиз-чи, ўзингиз? Айнқдан олиб тўнғизга солдингиз, нашладан олиб маймунга солдингиз!

А ё л (*линейкани қуйиб*). Қўрқманг, урмайман. Биласизми, менимча, одамлар икки тоифага бўлинади: калтаклайдиганларга ва калтақ ейдиганларга. Йўқ, мен ростакам калтакни айтаётганим йўқ, дил оғриғини назарда тутяпман. Мана, масалан, қўшнилариимиз. Атайлаб бирон ёмонлик қилишмайди. Очиқ чеҳра билан салом-алиқ қиламиз, ҳол-аҳвол сўраймиз. Лекин, кўзларининг туб-тубида, қандайдир, шубҳа сезаман. Сир бой бермайман...

Ҳеч ким ҳеч нима ўйламасин, одамларнинг кўнглига ёмон ўй келмасин, деб шундай ҳаракат қиламанки, эй, худойим!.. Бутун диққат-эътиборим, бор куч-қувватим фақат шунга сарф бўлади! Ҳар бир қадамимни ўлчаб босаман, ҳар бир кийимни ўйлаб кияман! Кўчада трамвайга ўхшаб фақат тўғрига юраман, атрофга аланглаб қарагани ҳам қўрқаман! Лекин, бари бир фойдаси йўқ. Ўйлашади, шубҳаланишади... Чарчаб кетаман... Ипхонада, ҳар хил давраларда эркаклар сўрашади: «Хўжайин қаерда ишлайдилар?», «Хўжайин яхши юрибдиларми?» (*Куйиниб.*) Билиб тураман, уларни хўжайиннинг қаерда ишлаши, соғлиги қизиқтирмайди, бу аёлнинг эри борми, йўқми — ана шу керак! Ёшми, эри йўқми — дарров нопоклар рўйхатига тиркаб қўйишади! Нега-а, нега шундай? Наҳотки, поклик-нопокликнинг ўлчови шу бўлса?! Наҳотки, аёлнинг қадр-қиммати фақат шу билан белгиланса! (*Изтиробли.*) Ахир, бу нотўғри-ку, нотўғри!.. Ахир, энг енгилтак аёл ҳам ёнида бир ишончли одам бўлишипти, нима қилиб бўлса ҳам ҳаётини тўғри изга солиб олишни истайди! Дунёда бешик қучоқлашни орау қилмайдиган аёл йўқ. Тилида «йўқ» десаям, дилида орау қилади! Тўғри, қийин. Кун бўйи ишда бўласан, уйда бола-чақа, супур-сидир, юв, тара, бунинг устига келдикетди, бозор-ўчар ҳам сенинг бўйинида, эр деган жониворнинг ўзи бир дунё ташвиш, сочингни дурустроқ турмаклаб олишгаям вақт йўқ... Биласизми, аёллар нега сочини қирқишади? Йўқ, бунга моданинг алоқаси йўқ. Узун сочни парвариш қилишнинг ўзи бўлмайди, унга вақт қани? Мингта ташвиш. Ҳаврайсан, «тўйиб кетдим», дейсан... Лекин, барибир, яхши... У ширин оғриқ, ёқимли ташвиш... Бир қўлида чақалоқ, бир қўлида оғир сумка билан қийналиб кетиб бораётган номаълум дугонамининг азобларига ҳавас қиламан... Аёл одамга кўп нарса керак эмас. Ҳиндай диққат-эътибор бўлса, дунёдаги бор гаму кулфат ёпирилиб келса ҳам чидайди. Озгина меҳр бўлса, нозиккина елкаларида тоғни тутиб туради. (*Жилмайиб.*) Шунақа гаплар... Сизнинг ҳам бошингизни оғритиб юбордимми?

Эркак. Йўқ, нега энди... Менимча, биз яшашни билмасак керак.

Аёл. Қайдам... Унинг китоби бўлмаса, ўқиб билиб оладиган.

Эркак. Одамлар туппа-тузик яшашанти-ку.

Аёл. Демак, улар қандай яшашни билишади.

Эркак. Йўқ, менимча, худди ўша бахтли одамлар

қандай яшашни билмайди. Шундай яшашади — тамом. Ундоқ яшаш керак, бундоқ яшаш керак, деб ақл ўргатадиган одамларнинг ўзлари, одатда, бахтсиз бўлади. Мана, тоғам билан кеннойим. Ҳаётларида ҳеч бир-бирига «оҳ-воҳ», «ўлдим-куйдим» қилмаган. Лекин бунисининг тиши оғриси, униси додлайди. Қараб туриб ҳайрон бўламан, одам ҳам бир-бирига шунчалик меҳр-оқибатли бўладими!..

Аёл. Биз бугун нима ҳақда гаплашдик? Бахт ҳақида, болалар ҳақида, ёнингдаги ишончли одам ҳақида. Одамзод шундай яратилганки, ўзида нимаики бўлмаса, ўша нарсалар ҳақида кўп гапиради. Яшашни билмайдиганлар яшаш ҳақида, инсофи йўқлар инсоф ҳақида, уятсизлар уят ҳақида... Хуллас, бугун сиз билан нима ҳақда гаплашган бўлсак, ўша нарсалар ўзимизда йўқ...

Эркак. Биз гаплашдикми? Жанжаллашдик, холос.

Аёл. Демак, ўртамизда жанжаллашадиган ҳеч нима йўқ. Жанжал ҳам ёлгон, бақир-чақир ҳам.

Эркак. Лекин, мен ростакамига уришдим. Жонжаҳдим билан.

Аёл. Қўйсангиз-чи.

Эркак. Ие, ёлғондакамига ҳам уришиб бўларканми?

Аёл. Нега бўлмасин? Баъзида дадам қовоқларини солиб, бақириб-чақириб койирдилар мени. Мен хафа бўлгандай, қўлим билан юзимни бекитиб олиб, қиқир-қиқир кулардим. У бақирешларда... нима десам бўлади, куч йўқ эди, нафрат йўқ эди, қандайдир, эркалашга ўхшарди... (*Таъкидлаб.*) Ана шунақаям жанжал бўлади.

Эркак. Шунақа денг... Лекин, шифоньёرنинг устига чиқариб қўйганимда ростакамига жаҳлингиз чиқди-а?

Аёл (*кулмисираганича унга бирпас тикилиб туриб*). Менга қаранг, сиз ростдан ҳам шунақа соддамисиз ё муғамбирлик қилипсиэми?

Эркак. Муғамбирлик қилиб, нима мен сизга!.. Мен нима қилсам, ўша ишни астойдил қилишга ўрганганман, билдингизми! Уришсам, чинакамига уришаман. Жаҳлим ёмон менинг! Бир тутиб қолса борми!.. Ўзим ҳам билмайман нима бўлади...

Аёл (*ҳазиломуз*). Билмаганингиз ҳам яхши. (*Жиддий.*) Шифоньёр, дейсиз... Шифоньёр нима бўпти, керак бўлса тўртпичи қаватдан ҳам сакраворишим мумкин эди. Астойдил йиғласанг сўқир кўздан ёш чиқар, дейишади, сиз айтгандай, қадимгилар.

Эркак (*ҳайрада*). Бўлмаса, нега сакрамадингиз?

Шунча вақт шифоньерда ўтириб сизга зарил келибди-ми?

А ё л. Биринчидан, қани, буги нима бўлар экан, деб қизиқдим. Иккинчидан, уйда бегона одам билан ёлғиз қолганда шифоньер энг ишончли, тинч жой. Тушундингизми?

Э р к а к. Ана сизни муғамбир деса бўлади-и...

А ё л. Аёл кишининг минг битта ҳийласи бор, дейишади.

Э р к а к. Қадимгилар.

А ё л. Ҳозиргилар ҳам... (*Дераза ёнига бориб, ташқарига қарайди.*) Тонг ҳам отай деб қонти...

Э р к а к. Дарров-а?.. (*Аёлнинг елкаси оша ташқарига қарайди.*) Ҳа... Трамвайлар ҳам юра бошлабди...

Улар шу пайтга қадар бир-бирларига бунчалик яқин келишмаган эди.

А ё л. Қараб турунг, ҳозир анави подъезддан бир семиз амаки чиқади.

Кутишади.

Ана. Ҳар куни бир вақтда чиқади. Қараб, соатингизни тўғриласангиз ҳам бўлади. Икки йилдан бери авон пайти югуради, ҳеч озаё демайди шўрлик... (*Эркак томонга хиёл ўвирилиб.*) Сиз эрталаб югурасизми?

Э р к а к. Югураман... Эрталабдан кечгача югураман... Ўттиз етти йилдан бери тўхтамай югураман...

А ё л (*бошини эвади, сўнг ўзини мажбурлагандай, кескин бир ҳаракат билан яна дераза томонга қараб олади*). Айтгандай, ишга кеч қолмайсизми?

Э р к а к. Қўяверинг. Дирижёримиз тушунадиган одам. Бир муҳим масалани ҳал қилдим, дейман...

А ё л (*қизиқайтганини сездирмасликка ҳаракат қилиб*). Қанақа масала экан, деб сўраса-чи?

Э р к а к. Жуда-жуда зарур масала, дейман!..

А ё л. Тушунтириброқ айтасизми-йўқми, қанақа зарур масала, деб дирижёрингизнинг жаҳли чиқиб кетади...

Э р к а к. Мен айтаман, энг муҳим масала, дейман... Уруш ва тинчлик масаласидан кейин иккинчи ўринда туради, дейман... Бундай масалани одам ҳайтида бир марта ҳал қилади, дейман... Шунақа дейман...

А ё л. У барибир тушунмайди...

Э р к а к. Унда жудаям бағри тош одам экан... (*Бир оздан сўнг.*) Дарвоқе, яхши бўп қолдингизми?

А ё л. Яхшиман...

Э р к а к. Мендан хафа бўлмадингизми?

А ё л. Нима учун хафа бўлишим керак экан?

Э р к а к. Умуман-да...

А ё л. Умуман, йўқ.

Э р к а к. Қисман-чи?

А ё л. Қисманми?..

Э р к а к. Демак, хафасиз...

А ё л. Ҳозир ўзим ҳам тушунмаяпман, ҳаммаси алғов-далғов бўлиб кетди...

Э р к а к. Алғов-далғов бўлсаям, барибир... яхши одам-сиз!..

А ё л (*ялғиз эгиб қараб*). Шунақа донг... Сиз-чи?

Э р к а к. Қайдам... Мен ҳам дуруст одам бўлсам керак...

А ё л. Сиз ҳам, мен ҳам шунақа яхши одамлар бўлсак, нега шунча вақт чиқишполмадик, жапжаллашдик?

Э р к а к. Икковимиз ҳам бир-биримизнинг яхшилигимизни тан олгимиз келмади шекилли.

А ё л. Нега?

Э р к а к. Кимнингдир сендан устун эканлигини тан олиш қийин-да. Шунинг учун сиз ҳам паст тушмадингиз, мен ҳам.

А ё л. Хўш, шундай қилиб, ким паст тунди энди?

Э р к а к. Мен паст тундим.

А ё л. Йўқ, мен паст тундим.

Э р к а к. Қўйсангиз-чи, ўзингиз ҳам билиб турибсиз, мен паст тундим-ку.

А ё л (*илиқлик билан, аразли*). Инсофингиз йўқ экан... Кўр одам ҳам билади-ку, мен паст тундим, ахир...

Э р к а к (*қизишиб*). Қанақасига сиз паст тушасиз, биринчи бўлиб мен паст тушган бўлсам?

А ё л. Ҳечам-да! Аввал мен жим бўлдим, унда сиз ҳалиям бақирятувдингиз. Қанча бақирсангиз ҳам мен индамай жим ўтиравердим.

Э р к а к. Ҳа энди, бақирсам бақиргандирман — иссиқ жон... Шунга дарров сиз паст тушган бўлиб қоласизми! Бир эсланг, эсланг, мен паст тундим-ку!

А ё л. Мана шу деворнинг тили бўлса айтсин, олдин ким ён берди! Биринчи бўлиб менинг хаёлимга шундай фикр келди: ке, дедим, шу билан тенг бўламанми, дедим!..

Э р к а к. Э, умуман эсингизда ҳеч нима турмас экан!.. Биринчи бўлиб мен айтдим: келинг, ярашамиз, дедим, қўлни ташланг, дедим!..

А ё л (*ийғламсираб*). Унақа деганингиз йўқ!..

Эркак. Дедим! Нима кераги бор жанжалнинг, дедим! Шундоқ ҳам одамларнинг бир-бирига етказаётган ранжу аламлари камми, дедим! Ҳеч бўлмаса, мана шу икки миллионлик улкан шаҳри азимда иккитагина одам иноқ яшаса нима қилар экан, дедим!

Аёл (*йиғлаб*). Бу гапларни айтганингиз йўқ!..

Эркак. Айтдим! Бор овозим билан айтдим! Деразадан бир шаҳарга қаранг, дедим, одамлар бир-бирининг жонига тегиб, бир-биридан чарчаб, донг қотиб ухлаб ётишибди, дедим! Чироқлар ўчган, кўчалар зим-зиё, келинг, тонга қадар ёнма-ён ўтирайлик — шу шаҳарнинг чироғи ўчмасин, дедим!

Аёл (*ошкора йиғлаб*). Йўқ, йўқ, йўқ, бунақа деманингиз ахир!..

Эркак. Дедим!!! Ўтишиб, ялиниб, илинж билан айтдим! Бир-бирини йўқотганлар, излаганлар, топганлар-топмаганлар қоронғи кўчаларда адашиб юрмаслиги учун бизнинг деразамиздан доим пур ёғилиб туриши керак, дедим!.. Яна кўп гапларни айтдим...

Аёл юзини кўзлари билан бекитиб олиб, титраб-қақшаб йиғлапти. Эркак пиёлага қатиқ қуйиб унга узатади.

Мана, манавини ичиб олинг, енгил тортасиз... Менгаям қолдиринг, бошқа йўқ...

Аёл йиғи аралаш жилмаяди, қатиқдан бир-икки ҳўплаб, эркакка узатади. Эркак ичиб бўлиб бўш пиёлага яна умидвор қараб қўяди. Сукрут.

(*Деразадан қараб.*) Ҳалиги амаки қайтиб келди...

Аёл. Қўрқиб кетганиман...

Эркак. Нимадан?..

Аёл. Эшикнинг очилишидан...

Аёл энди кўз ёшларини бекитмай, ошкора йиғлаганича унга тикилиб турарди. Уларни ҳозир кимсасиз оролда узоқ вақт яшаган, кўп йиллар одам зотини учратмаган сайёҳнинг тўсатдан, кутилмаганда янсонга дуч келиб қолишига қиёс қилса бўларди... Шу пайт эшик ўз-ўзидан очилиб кетади. Лекин, улар учун энди бунинг мутлақо аҳамияти йўқ эди...

Тамом.